

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки томонидан  
2022 йил «21» декабрь  
69-сон билан

## РҮЙХАТГА ОЛИНГАН



Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банки Раисининг  
биринчи ўринбосари

Н.Н. Сайдуллаев

# “КАПИТАЛБАНК” АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИНинг УСТАВИ ЯНГИ ТАҲРИРИ

“Капиталбанк” акциядорлик тижорат банки  
Акциядорларининг йиллик умумий  
йигилиши томонидан 2022 йил 06 октябрда

“ТАСДИ ҚЛАНГАН”

(5/2022-сонли баённома)

Йигилиш раиси

М.А. Абдусамадов



Тошкент-2022

## МУНДАРИЖА

<b>1-БОБ УМУМИЙ ҚОИДАЛАР. БАНКНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ .....</b>	<b>5</b>
1-банд. Умумий қоидалар.....	5
2-банд. Банкнинг номи .....	5
3-банд. Банкнинг жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили..	6
4-банд. Банкнинг ҳуқуқий мақоми .....	6
5-банд. Филиаллар, банк хизматлари оғислари, шўъба банклар ва банк ваколатхоналари .....	6
<b>2-БОБ БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАҚСАДЛАРИ .....</b>	<b>7</b>
6-банд. Банк фаолиятининг мақсадлари, вазифалари ва предмети .....	7
<b>3-БОБ БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ЛАЁҚАТИ .....</b>	<b>8</b>
7-банд. Банкнинг маҳсус ҳуқуқ лаёқати .....	8
8-банд. Банкнинг учинчи шахсларнинг устав капиталида ва қимматли қоғозлари билан битимлар тузишда иштирок этишига оид чекловлар .....	9
<b>4-БОБ БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ.....</b>	<b>11</b>
9-банд. Банкнинг ҳуқуқлари.....	11
10-банд. Банкнинг мажбуриятлари.....	11
<b>5-БОБ УСТАВ КАПИТАЛИ. ....</b>	<b>12</b>
<b>АКЦИЯЛАР ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР.....</b>	<b>12</b>
11-банд. Банкнинг устав капитали.....	12
<b>6-БОБ БАНК ТОМОНИДАН АКЦИЯЛАР ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ ЖОЙЛАШТИРИШ. БАНК АКЦИЯЛАРИНИ ҲАРИД ҚИЛИШ ВА ҚАЙТА СОТИБ ОЛИШ.....</b>	<b>12</b>
12-банд. Акциядорларга қўйилган талаблар.....	12
13-банд.Банк томонидан акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириш .....	13
14-банд. Акцияларни сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуки.....	14
<b>7-БОБ УСТАВ КАПИТАЛИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ.....</b>	<b>15</b>
15-банд. Устав капиталини кўпайтириш .....	15
16-банд. Устав капиталини камайтириш .....	15
<b>8-БОБ БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ .....</b>	<b>16</b>
17-банд. Акциядорларнинг ҳуқуқлари.....	16
18-банд. Акциядорларнинг ахборот бериш мажбуриятлари.....	17
<b>9-БОБ ФОЙДАНИ ТАҚСИМЛАШ. ДИВИДЕНДЛАР. ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ .....</b>	<b>17</b>
19-банд. Дивидендлар .....	17
20-банд. Фойдани тақсимлашдаги чеклов .....	19
<b>10-БОБ БАНК ФОНДЛАРИ. ЗАХИРА ФОНДИ.....</b>	<b>19</b>
21-банд. Банк фонdlари .....	19
<b>11-БОБ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ .....</b>	<b>20</b>
<b>12-БОБ АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИФИЛИШИ .....</b>	<b>20</b>
22-банд. Акциядорларнинг умумий йиғилиши .....	20
23-банд. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари.....	20
24-банд. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши .....	22
25-банд. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилиши .....	22

26-банд. Акциядорларнинг умумий түғрисида маълумот .....	22
27-банд. Акциядорлар умумий йигилиши кун тартибига киритиладиган таклифлар .....	22
28-банд. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик.....	22
29-банд. Акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этиш хуқуқи.....	23
30-банд. Акциядорларнинг умумий йигилишида акциядорларнинг иштирок этиш тартиби.....	23
31-банд. Акциядорлар умумий йигилишининг кворуми.....	23
32-банд. Акциядорларнинг умумий йигилишида овоз бериш .....	24
33-банд. Миноритар акциядорлар қўмитаси. ....	24
34-банд. Акциядорлар умумий йигилишининг қарори .....	25
35-банд. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси .....	26
<b>13-БОБ КУЗАТУВ КЕНГАШИ .....</b>	<b>26</b>
36-банд. Кузатув кенгаши .....	26
37-банд. Кузатув кенгашининг ваколатлари.....	26
38-банд. Кузатув кенгашини сайлаш .....	30
39-банд. Кузатув кенгаши раиси .....	31
40-банд. Кузатув кенгаши аъзоларининг вазифалари.....	31
41-банд. Кузатув кенгашининг йигилишлари .....	32
42-банд. Кузатув кенгашининг қарорлари.....	32
43-банд. Кузатув кенгашининг баённомаси.....	33
44-банд. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги ва ваколатларини тугатиш .....	34
<b>14-БОБ БАНК БОШҚАРУВИ .....</b>	<b>35</b>
45-банд. Банк бошқаруви.....	35
46-банд. Банк бошқарувининг ваколатлари.....	35
47-банд. Банк бошқаруви аъзоларини тайинлаш тартиби .....	37
48-банд. Банк бошқаруви аъзолари билан меҳнат шартномаларини бекор қилиш тартиби.....	37
49-банд. Банк бошқаруви аъзоларига қўйиладиган талаблар .....	37
50-банд. Банк бошқаруви аъзоларининг мажбуриятлари.....	37
51-банд. Банк бошқаруви аъзоларининг жавобгарлиги .....	38
52-банд. Банк бошқаруви мажлислари.....	38
53-банд. Банк бошқаруви раиси .....	39
54-банд. Банк бошқаруви раисининг ваколатлари .....	39
<b>15-БОБ МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ .....</b>	<b>41</b>
55-банд. Банкнинг ички аудит департаменти.....	41
56-банд. Банкнинг ташқи аудити.....	41
<b>16-БОБ КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИ.....</b>	<b>41</b>
<b>17-БОБ ЙИРИК БИТИМЛАР.....</b>	<b>42</b>
57-банд. Йирик битим .....	42
58-банд. Йирик битимни тасдиқлаш тартиби.....	42
<b>18-БОБ АФФИЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН ТУЗИЛГАН БИТИМЛАР....</b>	<b>42</b>
59-банд. Аффилланган шахс билан тузиладиган битимни маъқуллаш .....	42
60-банд. Аффилланган шахслар билан тузилган битимлар тўғрисидаги ахборотни ошкор қилиш .....	43

<b>19-БОБ АКЦИЯДОРЛАР ЎРТАСИДАГИ МАНФААТЛАР</b>	<b>43</b>
ТҮҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ .....	43
61-банд. Манфаатлар түқнашувининг олдини олиш.....	43
62-банд. Манфаатлар түқнашувини тартибга солиш .....	44
63-банд. Корпоратив низоларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслар ва банк ходимларининг мажбуриятлари .....	45
<b>20-БОБ БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ</b> .....	<b>45</b>
64-банд. Бухгалтерия ҳисоби .....	45
65-банд. Молиявий ҳисобот .....	46
<b>21-БОБ ПРУДЕНЦИАЛ ТАЛАБЛАР ВА ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРНИ БОШҚАРИШ</b> .....	<b>46</b>
66-банд. Пруденциал нормативлар.....	46
67-банд. Мажбурий захира талаблари .....	47
68-банд. Банк хизматлари ва операцияларининг аутсорсинги.....	47
69-банд. Банкнинг ички назорати ва таваккалчилликларни бошқариш тизимига кўйиладиган талаблар.....	47
<b>22-БОБ. ҲУЖЖАТЛАР, БАНК ҲАҚИДА АХБОРОТ</b> .....	<b>48</b>
70-банд. Банк ҳужжатларини сақлаш .....	48
71-банд. Банк томонидан акциядорларга маълумот бериш.....	48
72-банд. Банк томонидан маълумотни мажбурий ошкор қилиш .....	49
<b>23-БОБ. ҶАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ</b> .....	<b>49</b>
73-банд. Банк фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш.....	49

**1-БОБ**  
**УМУМИЙ ҚОИДАЛАР. БАНКНИНГ ҲУҚУҚИЙ МАҚОМИ**

**1-банд. Умумий қоидалар**

- 1.1. “Капиталбанк” акциядорлик тижорат банки (кейинги ўринларда “банк” деб юритилади) акциядорлик жамияти шаклида фаолият кўрсатувчи кредит ташкилоти ҳисобланади.
- 1.2. Банк таъсисчилари йигилишининг (2000 йил 15 майдаги 1-сонли баённома) қарорига биноан ёпиқ акциядорлик банк шаклида ташкил қилинган. Банк акциядорлари умумий йигилишининг (2001 йил 20 декабрдаги 008/1-сонли баённома) қарорига кўра очик турдаги акциядорлик банки шаклида қайта ташкил қилинган.
- 1.3. “Капиталбанк” хусусий очик акциядорлик-тижорат банки ва “Авиабанк” акциядорлик-тижорат банки акциядорларининг 2004 йил 21 декабрда бўлиб ўтган биргаликдаги умумий йигилишининг қарорига биноан “Авиабанк” акциядорлик-тижорат банки “Капиталбанк” очик акциядорлик-тижорат банкига кўшиб олинган.
- 1.4. Топшириш далолатномасига асосан банк “Авиабанк” акциядорлик-тижорат банкининг барча ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади.
- 1.5. Банк ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”, “Ўзбекистон Республикасининг Марказий Банки тўғрисида”, “Кимматли қофозлар бозори тўғрисида”, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари ва бошқа қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек мазкур Устав ва банкнинг бошқа ички ҳужжатларига амал қиласди.
- 1.6. Банк Ўзбекистон Республикасининг банк тизими таркибиغا киради.

**2-банд. Банкнинг номи**

**2.1.Банкнинг тўлиқ номи:**

**2.1.1.ўзбек тилида:**

- кирилл ёзувида: “Капиталбанк” акциядорлик тижорат банки;
- лотин ёзувида: “Kapitalbank” aksiyadorlik tijorat banki;

**2.1.2.рус тилида - Акционерный коммерческий банк “Капиталбанк”;**

**2.1.3.инглиз тилида - Joint stock commercial bank “Kapitalbank”.**

**2.2.Банкнинг қисқартирилган номи:**

**2.2.1.ўзбек тилида:**

- кирилл ёзувида: “Капиталбанк” АТБ;
- лотин ёзувида: “Kapitalbank” ATB;

**2.2.2.рус тилида - АКБ “Капиталбанк”;**

**2.2.3. инглиз тилида - JSCB “Kapitalbank”.**

**3-банд. Банкнинг жойлашган ери (почта манзили) ва электрон почта манзили**

- 3.1.** Банкнинг жойлашган ери (почта манзили): 100047, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Сайилгоҳ кӯчаси, 7-йи.
- 3.2.** Банкнинг электрон почта манзили: [info@kapitalbank.uz](mailto:info@kapitalbank.uz).
- 3.3.** Банкнинг расмий веб-сайти: [www.kapitalbank.uz](http://www.kapitalbank.uz).

**4-банд. Банкнинг ҳуқуқий мақоми**

- 4.1.** Банк ушбу Уставнинг 6.2-бандида санаб ўтилган операцияларни амалга оширувчи тижорат ташкилоти бўлган юридик шахсdir.
- 4.2.** Банк ўз мустакил балансида ҳисобга олинадиган алоҳида ўз мол-мулкига, шу жумладан ўзининг устав капиталига берилган мол-мулкка эга бўлади, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.
- 4.3.** Банк ўз мижозлари ва омонатчилари олдида банкдаги маблағларнинг сақланиши, ҳамда омонатчилари олдида мажбуриятларининг бажарилиши учун ўзининг барча мол-мулки билан жавобгардир.
- 4.4.** Акциядорлар банкнинг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди ва унинг фаолияти билан боғлиқ заарларнинг ўрнини ўзларига тегишли акциялар қиймати доирасида қоплаш таваккалчилигини ўз зиммасига олади. Акциялар ҳақининг тўлиқ тўламаган акциядорлар банк мажбуриятлари юзасидан ўзларига тегишли акциялар қийматининг тўланмаган қисми доирасида солидар жавобгар бўладилар.
- 4.5.** Банк ўз акциядорларининг мажбуриятлари юзасидан жавобгар бўлмайди.
- 4.6.** Банк давлатнинг мажбуриятлари бўйича, давлат эса банкнинг мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди, бундан банкнинг ёки давлатнинг ўзи бундай мажбуриятларни зиммасига олиш ҳоллари мустасно.
- 4.7.** Банк чекланмаган муддатта таъсис этилган.
- 4.8.** Банк ўз тимсолига, Ўзбекистон Республикасининг давлат тилидаги тўлиқ фирмани иштирок этиши туширилган думалоқ муҳрига эга.

**5-банд. Филиаллар, банк хизматлари оғислари, шўъба банклар ва банк ваколатхоналари**

- 5.1.** Банк белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида юридик шахс мақомини бермаган ҳолда ўз филиалларини ва банк хизматлари оғиси (“минибанк”, “чакана хизматлар маркази”, “банк хизматлари маркази” ва х.к.) ва бошқа алоҳида бўлинмаларини ташкил қилишга ҳакли, банк томонидан уларга тақдим қилинган ваколатлар доирасида уларга ҳуқуқлар бериши мумкин.
- 5.2.** Банк Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг рухсати билан Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари (кейинги матнларда – “қонун ҳужжатлари”)да белгиланган тартибда мамлакат ташқарисида шўъба банклар ва ваколатхоналар очиши, филиаллар ташкил этиши, банкларнинг капиталида иштирок этиши, шу жумладан чет эл банкларини ташкил этиши мумкин.

- 5.3. Ўзбекистон Республикаси худудидаги филиаллар, шунингдек шўъба банклар банк кузатув кенгашининг қарори билан ташкил этилади. Улар фаолиятини тартибга солувчи тегишли низомлар банк кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади.
- 5.4. Банк хизматлари оғиси (“минибанк”, “чакана хизматлар маркази”, “банк хизматлари маркази” ва х.к.) ва банкнинг бошқа алоҳида бўлинмалари банк бошқаруви қарори билан ташкил этилади. Банк хизматлари оғиси тўғрисидаги низом банк бошқаруви томонидан тасдиқланади.
- 5.5. Банкнинг филиаллари, банк хизматлари оғиси ва бошқа алоҳида бўлинмалари давлат тилидаги ўз номи ёзилган думалоқ муҳрга, штампга ва бланкаларга эга.
- 5.6. Банкнинг филиаллари, банк хизматлари оғиси ва бошқа алоҳида бўлинмалари банк номидан фаолият юритадилар. Банк ўз филиаллари, банк хизматлари оғиси ва бошқа алоҳида бўлинмалари фаолияти учун жавобгар ҳисобланади. Филиаллар, банк хизматлари оғиси ва бошқа алоҳида бўлинмалар раҳбарлари банк томонидан берилган ишончнома асосида ҳаракат қиласи. Банк номидан ишончнома банк бошқаруви раиси ёки унинг вазифасини бажарувчи шахс томонидан берилади.
- 5.7. Банк ўз филиали ёки банк хизматлари оғисини очганлик ёки тугатганлик тўғрисида Марказий банкка белгиланган тартибда хабарнома юбориши шарт.

## **2-БОБ** **БАНК ФАОЛИЯТИНИНГ ПРЕДМЕТИ ВА МАҚСАДЛАРИ**

### **6-банд. Банк фаолиятининг мақсадлари, вазифалари ва предмети**

- 6.1. Банкни ташкил қилиш ва фаолиятидан мақсад - Ўзбекистон Республикаси худуди ва ундан ташқарида амалдаги қонун хужжатларида таъқиқланмаган банк ва молиявий фаолиятни амалга ошириш, шунингдек фойда олиш мақсадида юқорида кўрсатилган фаолият билан боғлиқ бўлган хизматларни кўрсатиш ҳисобланади.
- 6.2. Банк ўз фаолиятида қўйидаги молиявий операцияларни амалга оширади:
- 6.2.1. пул маблағларини омонатларга (депозитларга) жалб этиш;
  - 6.2.2. тўловларни амалга ошириш, шу жумладан банк ҳисобваракларини очмасдан амалга ошириш;
  - 6.2.3. жисмоний ва юридик шахсларнинг банк ҳисобваракларини, шу жумладан банкларнинг вакиллик ҳисобваракларини очиш ва юритиш;
  - 6.2.4. кредитларни уларнинг қайтарилиши, фоизлилиги ва муддатлилиги шарти билан ўз номидан ўзининг маблағлари ҳамда жалб этилган маблағлар ҳисобидан бериш;
  - 6.2.5. чет эл валютаси билан нақд ва нақдсиз шакллардаги операциялар;
  - 6.2.6. жисмоний ёки юридик шахс билан тузилган шартнома бўйича мол-мулкни ишончли бошқариш;
  - 6.2.7. инкассация ва касса хизматларини кўрсатиш;
  - 6.2.8. учинчи шахслар номидан уларнинг мажбуриятлари бажарилишини назарда тутувчи кафолатлар бериш ва бошқа мажбуриятларни қабул қилиш;

- 6.2.9. учинчи шахслардан пул шаклидаги мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш хукуқини олиш (факторинг);
  - 6.2.10. қимматли қоғозларни чиқариш, харид қилиш, сотиш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларни сақлаш, мижоз билан тузилган шартномага биноан қимматли қоғозларни бошқариш, улар билан бошқа операцияларни бажариш;
  - 6.2.11. аффилланган қимматбаҳо металлар сотиб олиш ва сотиш, шу жумладан металларни масъул сақлаш ҳисобваракларини ҳамда металларнинг эгасизлантирилган (жисмоний бўлмаган) ҳисобваракларини юритиш;
  - 6.2.12. қимматбаҳо металлардан ясалган тангаларни сотиб олиш ва сотиш;
  - 6.2.13. ҳосилавий молия воситалари (деривативлар) билан операцияларни амалга ошириш;
  - 6.2.14. хужжатларни ёки қимматликларни сақлаш учун маҳсус биноларни ёки уларнинг ичидаги сейфларни ижарага бериш;
  - 6.2.15. лизинг бериш;
  - 6.2.16. қонун хужжатларида назарда тутилган шаклларда қарзлар бериш;
  - 6.2.17. молиявий операциялар билан боғлиқ маслаҳат хизматларини кўрсатиш;
  - 6.2.18. активлар портфелини бошқариш;
  - 6.2.19. электрон пулларни чиқариш, улардан фойдаланиш ва тўлаш;
  - 6.2.20. Банк карталарини бериш ва тўловларга ишлов бериш, банк карталарига бошқа ташкилотлар, жумладан бошқа молия институтлари билан биргаликда хизмат кўрсатиш.
- 6.3. Банк, банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатларига мувофиқ бошқа молиявий операцияларни ҳам амалга оширади.
  - 6.4. Банк молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлган қарорларни қабул қилишда мустақил ҳисобланади.
  - 6.5. Банк банк фаолиятини амалга ошириш хукуқини берувчи лицензияда кўрсатилмаган молиявий операцияларни амалга оширишга ҳақли эмас. Банк молиявий операцияларни лицензиясиз амалга ошириш хукуқига эга эмас.

### **З-БОБ** **БАНКНИНГ ХУҚУҚ ЛАЁҚАТИ**

#### **7-банд. Банкнинг маҳсус ҳуқуқ лаёқати**

- 7.1. Банк ўз фаолиятини Марказий банк томонидан бериладиган, Банк фаолиятини амалга ошириш хукуқини берувчи лицензия (бундан бўён матнда “лицензия” деб юритилади) асосида амалга оширади.
- 7.2. Банк ахоли, корхоналар, ташкилотлар, кредит ва молия институтлари шу жумладан норезидентларнинг бўш турган пул маблағларини жалб қиласди ва уларни талаб қилиб олингунча сақланадиган депозит ҳисобваракларида, омонат, муддатли депозит ҳисобваракларида, шунингдек бошқа турдаги депозит ҳисобвараклари ва мажбурият ҳисобваракларида сақлайди.
- 7.3. Субординар қарзга, эгалик қилиш хуқуқларида ёки хизматларига, шу жумладан сугурта хизматларига тааллуқли бўлган пул маблағлари омонат (депозит) бўлиб ҳисобланмайди.

- 7.4. Банк хўжалик юритувчи субъектлар ва жисмоний шахсларни қонун ҳужжатлари ва банкнинг ички ҳужжатларида белгиланган тартибда сўмда ёки чет эл валютасида кредитлашни амалга оширади.
- 7.5. Банк томонидан бериладиган кредитлар, қоида тариқасида, амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ундириш мумкин бўлган мол-мулк гарови, шунингдек, кафолатлар, кафилликлар ва мажбуриятларни бажаришнинг қонунчиликда назарда тутилган бошқа усуллари билан таъминланади.
- 7.6. Банк бу кафолатлар, кафилликлар, мажбуриятларнинг етарлилигини ўз кредит сиёсати, банкнинг бошқа ички ҳужжатлари, Марказий банкнинг норматив-хукукий ҳужжатлари, шунингдек, фармойишлари, қоида ва тавсияларини хисобга олган ҳолда белгилайди.
- 7.7. Банк Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ Марказий банк рухсатномаси олинганидан кейин хизматлар ва операцияларнинг айрим турларини аутсорсингга топшириш хукукига эга.
- 7.8. Банк бевосита ишлаб чиқариш, савдо, сугурта фаолияти ҳамда банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонунчиликда назарда тутилган молиявий операцияларни амалга ошириш билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият билан шуғулланишга ҳақли эмас. Ушбу чеклов қўйидаги ҳолатларга татбиқ этилмайди:
- 7.8.1. Банк карталари асосида нақд пулсиз ҳисоб-китоб тизимларида фойдаланиладиган ихтисослаштирилган ускунани ва унга доир дастурий таъминотни сотиш ёки ижарага беришга;
  - 7.8.2. ўз активларини сотишга;
  - 7.8.3. чек дафтарчаларини чиқариш, реализация қилиш ва тарқатишга;
  - 7.8.4. сугурта ташкилотлари бўлган Ўзбекистон Республикаси резидентлари номидан сугурта шартномаси тузилишини ташкил этиш бўйича фаолиятни амалга оширишга;
  - 7.8.5. Банк ўзи муассис бўлган юридик шахсларга ўз мол-мулкини мулкий ижара (аренда) шартномасига мувофиқ ижарага беришга.
- 7.9. Банкка ўз акцияларини гаровга қўйиш эвазига кредит бериш тақиқланади.
- 7.10. Банк ички банк ҳужжатларида ва қонунчиликда белгиланган тартибда таъминланмаган кредит (ишончга асосланган кредит) бериш тўғрисида қарор қабул қилиши мумкин.
- 7.11. Уставнинг мазкур бандси билан белгиланган меъёрлар, банкнинг кафолатлар бериш бўйича молиявий операцияларининг таъминотига нисбатан ҳам тадбиқ этилади.
- 7.12. Банк Марказий банк томонидан берилган лицензия асосида Марказий банк томонидан белгиланган қоидалар, қонун ҳужжатлари ва банкнинг ички ҳужжатларига мувофиқ чет эл валютасида операцияларни амалга оширишга ҳақлидир.
- 7.13. Банк қонун ҳужжатларда назарда тутилган тартибда қимматли қофозлар бозорида професионал фаолиятни амалга ошириши мумкин.

**Банд. Банкнинг учинчи шахсларнинг устав капиталида ва қимматли қофозлари билан битимлар тузишида иштирок этишига оид чекловлар**

- 8.1. Банкка юридик шахсларни ташкил этиш ва (ёки) юридик шахсларнинг устав фондларидағи (устав капиталидаги) улушларни ёки акцияларни олиш тақиқланади, бундан қуидагилар мустасно:
    - 8.1.1. кредит, сұгурта ва лизинг операцияларини профессионал асосда амалга оширувчи юридик шахслар;
    - 8.1.2. молия бозори инфратузилмасининг бир қисми бўлган ёки банкларга ахборот ва маслаҳат хизматларини кўрсатувчи юридик шахслар;
    - 8.1.3. қимматли қоғозлар бозорида профессионал фаолиятни амалга оширувчи юридик шахслар;
    - 8.1.4. Банкнинг кафолати остида қимматли қоғозларни чиқариш ва жойлаштириш мақсадида мазкур банкнинг хорижда ташкил этиладиган шўъба ташкилотлари;
    - 8.1.5. фақат инкассация фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар;
    - 8.1.6. Банк операциялари бўйича ҳисоб-китоблар, шу жумладан банк карталари билан операцияларга доир ҳисоб-китоблар иштирокчилари ўртасида ўзаро боғлиқлигини таъминлаш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар;
    - 8.1.7. фонд ва валюта биржалари;
    - 8.1.8. кредит бюролари;
    - 8.1.9. қимматли қоғозларнинг иккиласмчи бозорига жойлаштирилган акцияларнинг йигирма фоизидан ортиқ бўлмаган миқдорда фонд биржаси листингига киритилган акциядорлик жамиятлари.
- 8.2. Уставнинг 8.1-бандига мувофиқ банк томонидан бир юридик шахснинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушлар ёки акцияларини сотиб олиш банкнинг биринчи даражали регулятив капиталининг 15 (үн беш) фоизидан ошмаслиги керак. Ушбу чеклов банк томонидан мазкур юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига ёки акцияларига эгалик қилишга, шу жумладан мазкур юридик шахсларнинг ташкил этилиши ҳолларига нисбатан ҳам татбиқ этилади.
- 8.3. Банк томонидан қимматли қоғозлар билан битимларни амалга ошириш, юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларини ёки акцияларини сотиб олиш йифиндиси банкнинг биринчи даражали регулятив капиталининг 50 (эллик) фоизидан ошмаслиги керак.
- 8.4. Агар банк томонидан юридик шахслар устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларига ёки акцияларига эгалик қилиш Уставнинг 8.2 ва 8.3-бандларида кўрсатилган миқдордан ортиқ бўлса, ушбу ортган қисмни банк бир йил ичida сотиши шарт.
- 8.5. Банкка банк устав капиталининг бир ёки ундан ортиқ фоизига эгалик қилувчи юридик шахснинг устав фондида (устав капиталида) иштирок этиш тақиқланади. Уставнинг ушбу банди талаблари банк томонидан бошқа банкнинг акцияларини ёки ўзга банк сақловчиси бўлган бошқа қимматли қоғозларни ёхуд ўзга банкка тегишли юридик шахслар устав фондидаги (устав капиталидаги) улушларни ёки акцияларни улар томонидан кўшиб юбориш ёки кўшиб олиш шаклида қайта ташкил этиш амалга оширилаётганда олиш ҳолларига нисбатан татбиқ этилмайди.
- 8.6. Юридик шахсларнинг устав фондидаги (устав капиталидаги), ушбу Уставнинг 8.1.-бандида кўрсатилмаган ва унинг талабларига мувофиқ бўлмаган акциялари

хамда улушлари банк томонидан таъминот сифатида қабул қилиниши мумкин эмас.

## **4-БОБ** **БАНКНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

### **9-банд. Банкнинг ҳуқуқлари**

Банк қуидаги ҳуқуқларга эга:

- 9.1.1. омонатлар ва бериладиган кредитлар бўйича фоиз ставкаларини, қонун ҳужжатларига асосан банк операцияларига оид воситачилик ҳақи миқдорини мустақил белгилаш;
- 9.1.2. шартнома асосида депозит ва кредитлар шаклида бошқа банкларнинг маблағларини жалб қилиш ҳамда маблағларни депозит ва кредитлар шаклида бошқа банкларда жойлаштириш;
- 9.1.3. ҳисоб-китоб марказлари ва вакиллик ҳисобварақлари орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш;
- 9.1.4. лицензияда назарда тутилган бошқа молиявий операцияларни бажариш;
- 9.1.5. банк операциялари бўйича тўлов миқдорини мустақил белгилаш;
- 9.1.6. қарзни тўлаш бўйича ўз мажбуриятларини бажармаётган қарздорнинг банкротлиги тўғрисида иш қўзғатиш ҳақидаги ариза билан иқтисодий судга мурожаат қилишга ҳақли;
- 9.1.7. лицензияда, қонун ҳужжатлар ва банкнинг мазкур Уставида назарда тутилган, ўз молия-хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун зарур бўлган бошқа хатти-ҳаракатлар ва операцияларни амалга ошириш.

### **10-банд. Банкнинг мажбуриятлари**

Банк қуидагиларга мажбур:

- 10.1.1. маблағларни Марказий банкда заҳирага қўйиш ва белгиланган пруденциал нормативларга риоя қилиш бўйича Марказий банк томонидан белгиланган талабларни бажариш;
- 10.1.2. кредит ва лизинг операциялари бўйича эҳтимолий йўқотишларни қоплаш учун Марказий банк томонидан, ички банк ҳужжатларида белгиланган тартиб ва миқдорларда заҳиралар ташкил этиш;
- 10.1.3. ўз фаолияти тўғрисидаги ахборотни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ошкор этиш;
- 10.1.4. банкда ички аудит департаментига эга бўлишини таъминлаш;
- 10.1.5. “тengлик” тамойилига риоя қилиш, яъни барча акциядорларга уларнинг улуши, даромад даражаси, жинси, ирқи, дини, миллати, тили, ижтимоий келиб чиқиши, шахсий ва ижтимоий мавқеидан қатъи назар бир хил муносабатда бўлишdir.
- 10.1.6. банк ўз мижози ва вакилларининг операциялари, ҳисобварақлари ҳамда омонатларини қонун ҳужжатларда ўрнатилган тартибда сир саклаш мажбуриятини олади. Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар мижознинг (вакилнинг) ўзига, мижоз томонидан ваколат берилган вакилга ва қонунчиликда белгиланган тартибда бошқа шахсларга берилади.

11.1.7. ушбу Устав ва қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларга риоя қилиш.

**5-БОБ  
УСТАВ КАПИТАЛИ.  
АКЦИЯЛАР ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР.**

**11-банд. Банкнинг устав капитали**

11.1. Банкнинг устав капитали акциядорлар олган банк акцияларининг номинал қийматидан ташкил топиб, Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида шудаланади ва ўз кредиторлари манфаатларини кафолатлайдиган банк мол-мүлкининг энг кам миқдорини белгилайди.

11.2. Банкнинг устав капитали миллий валютада шакллантирилади ҳамда банк муассислари ва акциядорлари киритган пул маблағларидан ёки давлатнинг қимматли қоғозларидан ташкил топади, бундан қуйидаги ҳоллар мустасно:

11.2.1. банк акцияларини банкнинг кредиторлари орасида жойлаштириш ва банкнинг кредиторлар олдидаги пул мажбуриятлари бўйича ҳар қандай ҳукуқларини (талабарини) ҳисобга олиш йўли билан уларнинг ҳақини тўлаш;

11.2.2. қимматли қоғозларни банк акцияларига айрбошлиш;

11.2.3. банкнинг жойлаштирилган бир турдаги акцияларини ушбу банкнинг бошқа турдаги акцияларига алмаштириш.

11.3. Банкнинг устав капиталини шакллантириш учун кредитга, гаровга олинган маблағлардан, шунингдек мажбурият юклатилган бошқа маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

11.4. Тизимли молиявий инқироз ҳолатида банк акциялари давлат қимматли қоғозлари ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан сотиб олиниши мумкин.

11.5. Банкнинг устав капитали 407 385 173 100,00 (тўрт юз етти миллиард уч юз саксон беш миллион бир юз етмиш уч минг бир юз) сўмни ташкил қиласди ва қуйидаги акцияларга тақсимланган:

11.5.1. номинал қиймати 950 (тўққиз юз эллик) сўм бўлган, умумий сони 388 826 498 (уч юз саксон саккиз миллион саккиз юз йигирма олти минг тўрт юз тўқсон саккиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар;

11.5.2. номинал қиймати 950 (тўққиз юз эллик) сўм бўлган, умумий сони 40 000 000 (кирқ миллион) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.

**6-БОБ  
БАНК ТОМОНИДАН АКЦИЯЛАР ВА БОШҚА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАРНИ  
ЖОЙЛАШТИРИШ. БАНК АКЦИЯЛАРИНИ ҲАРИД ҚИЛИШ ВА ҚАЙТА  
СОТИБ ОЛИШ**

**12-банд. Акциядорларга қўйилган талаблар**

12.1. Юридик ва жисмоний шахслар, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг норезидентлари ҳам банк акциядорлари бўлиши мумкин.

- 12.2. Норезидент бўлган жисмоний шахсларнинг ва халқаро молия институтлари, чет эл банклари ва бошқа кредит ташкилотлари бўлмаган юридик шахсларнинг жами улуши банк устав капиталининг 50 (эллик) фоизидан ошмаслиги керак.
- 12.3. Банкнинг норезидент бўлган акциядорларига, шунингдек банк акцияларининг бевосита ёки билвосита эгалари бўла олмайдиган норезидентларга қўйиладиган талаблар қонун ҳужжатлари билан белгиланади.
- 12.4. Жисмоний ва юридик шахслар ёки биргаликда ҳаракат қилувчи шахслар, шу жумладан норезидентлар, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда банк акцияларига эгалик қилиш учун Марказий банкдан тегишли рухсат олишлари шарт.
- 12.5. Банк акцияларининг эгалари қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда ва тартибда Марказий банкни банкнинг устав капиталидаги улушларнинг ўзгарсанлиги тўғрисида хабардор қилишлари шарт.
- 12.6. Қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда банкнинг акцияларини олишга доир дастлабки рухсатномани олиш учун монополияга қарши органнинг олдиндан розилигини олиш талаб этилади.
- 12.7. Ҳал қилувчи эгаликка бевосита ёки билвосита эгалик қилувчи, шу жумладан охирги бенефициар мулкдор қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда Марказий банкни ва банкни 10 (үн) кунлик муддатда ёзма шаклда, шу жумладан электрон шаклда хабардор қилиши шарт.  
Ушбу банднинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳолларда банк хабарнома олинган кундан эътиборан бир кунлик муддатда Марказий банкни ёзма шаклда, шу жумладан электрон шаклда хабардор қилиши керак.
- 12.8. Банк акциялари юқорида белгиланган талаблар бузилган ҳолда олинган тақдирда, акцияларнинг эгаси бундай битим тузилган кундан эътиборан акциядорларнинг умумий йиғилишида овоз беришга, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақиришни ва ўтказишни талаб қилишга, кун тартибига масалалар киритишга, банк кузатув кенгаши ва бошқаруви аъзолигига номзодлар кўрсатишга, шунингдек банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олишга ҳақли эмас.

### **13-банд. Банк томонидан акциялар ва бошқа қимматли қоғозларни жойлаштириши**

- 13.1. Банк оддий акцияларни жойлаштириши шарт, шунингдек имтиёзли акцияларни жойлаштириш хукуқига эга. Банкнинг барча акциялари эгаси ёзилган эмиссиявий қимматли қоғозлардир.
- 13.2. Банкнинг барча турдаги акцияларининг номинал қиймати 950 (тўққиз юз эллик) сўмни ташкил этади.
- 13.3. Устав капиталини кўпайтириш мақсадида банк томонидан чиқарилиши мумкин бўлган эълон қилинган акцияларнинг суммаси 948 346 893 600,00 (тўққиз юз қириқ саккиз миллиард уч юз қириқ олти миллион саккиз юз тўқсон уч минг олти юз) сўмни ташкил қиласди, шу жумладан:
  - 13.3.1. номинал қиймати 950 (тўққиз юз эллик) сўм бўлган, умумий қиймати 786 346 889 600,00 (етти юз саксон олти миллиард уч юз қириқ олти миллион саккиз юз саксон тўққиз минг олти юз) сўм бўлган, 827 733 568,00 (саккиз юз йигирма етти миллион етти юз ўттиз уч минг беш юз олтмиш саккиз) дона эгасининг номи ёзилган оддий акциялар.

- 13.1.2. номинал қиймати 950 (түқкіз юз әллик) сүм бўлган, умумий қиймати 162 000 004 000,00 (бир юз олтмиш икки миллиард тўрт минг) сүм бўлган, 170 526 320 (бир юз етмиш миллион беш юз йигирма олти минг уч юз йигирма) дона эгасининг номи ёзилган имтиёзли акциялар.
- 13.4. Банк томонидан эълон қилинган акцияларни жойлаштириш номинал қийматдан паст бўлмаган нархда жойлаштирилади. Акцияларни жойлаштириш, шу жумладан, акциядорлар ўртасида жойлаштириш тўғрисида қарор қабул қилишда акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархи банк кузатув кенгаши томонидан қимматли қоғозлар савдоси ташкилотчиларининг савдо майдончаларида вужудга келаётган нархлар конъюнктурасидан келиб чиқсан ҳолда белгиланади. Бунда жойлаштириш нархи уларни чиқариш тўғрисидаги қарорда белгиланган нархдан кам (паст) бўлмаслиги керак.
- 13.5. Банк акцияларини жойлаштиришда уларнинг ҳакини тўлаш пул маблағлари билан ёки банклар ва банк фаолияти тўғрисидаги қонун хужжатларда ва ушбу Уставда ўрнатилган бошқа усулда амалга оширилади. Жойлаштирилган имтиёзли акциянинг номинал қиймати банк устав капиталининг 25 (йигирма беш) фоизидан ошмаслиги керак.
- 13.6. Банк ўзи чиқараётган акцияларга уларни оммавий жойлаштириш йўли билан қонун хужжатлари талабларини ҳисобга олган ҳолда очик обуна ўтказишга ёки уларни хусусий жойлаштириш йўли билан ёпиқ обуна ўтказишга ҳақли, қонун хужжатлари ва ушбу Устав билан ёпиқ обуна ўтказиш имконияти чекланган ҳолатлар бундан мустасно.
- 13.7. Жойлаштирилаётган акцияларнинг сони акцияларни чиқариш тўғрисидаги қарорда кўрсатилган миқдордан кўп бўлмаслиги лозим.
- 13.8. Банк томонидан қўшимча акцияларини ва бошқа эмиссиявий қимматли қоғозларини жойлаштириш муддати уларнинг чиқарилиши давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб бир йилдан ошмаслиги керак.
- 13.9. Банк томонидан акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган қимматли қоғозларни жойлаштириш икки усулда амалга оширилиши мумкин: очик ёки ёпиқ обуна йўли билан. Жойлаштириш усули ҳар бир алоҳида вазиятда банк кузатув кенгашининг қарори билан эълон қилинган акциялар чегарасида белгиланади.
- 13.10. Банкнинг имтиёзли акцияларини оддий акцияларга айирбошлаш мумкин. Бунда банкнинг имтиёзли акцияларини оддий акцияларга айирбошлаш, ушбу имтиёзли акцияларини эгаларининг иштирокида, уларга ушбу масалада овоз бериш ҳуқукини таъминлаган ҳолда Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига асосан амалга ошиralади.

#### **14-банд. Акцияларни сотиб олишнинг имтиёзли ҳуқуки**

- 14.1. Банк томонидан акциялар ва овоз берувчи акцияларга айирбошланадиган, ҳаки пул билан тўланадиган қимматли қоғозлар жойлаштирганда, овоз берувчи акциялар эгаси уларни имтиёзли сотиб олиш ҳуқукига эга бўлади. Акциядор, шу жумладан акциядорларнинг умумий йиғилишида қарши овоз берган ёхуд унда иштирок этмаган акциядор, акцияларни ва акцияларга айирбошланадиган эмиссиявий қимматли қоғозларни ўзига тегишли шу турдаги акциялар миқдорига мутаносиб миқдорда имтиёзли сотиб олиш ҳуқукига эга.

**7-БОБ**  
**УСТАВ КАПИТАЛИНИ КҮПАЙТИРИШ ВА КАМАЙТИРИШ**

**15-банд. Устав капиталини күпайтириш**

- 15.1.** Банкнинг устав капиталини күпайтириш ушбу Устав ва қонун хужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
- 15.2.** Банк ушбу Уставда белгиланган эълон қилинган акциялар сони доирасида қўшимча акциялар жойлаштириш хукуқига эга.
- 15.3.** Эълон қилинган акцияларнинг максимал сонини аниқлаш акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.
- 15.4.** Банк устав капиталини эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдори чегарасигача кўпайтириш, шунингдек, устав капиталини бундай кўпайтириш ва банкнинг эълон қилган акциялари миқдорини камайтириш билан боғлиқ бўлган банкнинг мазкур Уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш кузатув кенгашининг қарорига асосан амалга оширилади.
- 15.5.** Банкнинг устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш тўғрисидаги қарорда жойлаштириладиган қўшимча оддий акциялар ёки имтиёзли акцияларнинг сони, уларни жойлаштириш муддатлари ва шартлари белгиланиши керак. Шунингдек, банк кузатув кенгаш қонун хужжатларига мувофиқ жойлаштириладиган акцияларни сотиб олиш хукуқига эга бўлган акциядорлар учун қўшимча акцияларни жойлаштириш қиймати белгиланиши мумкин.
- 15.6.** Банк устав капиталини қўшимча акциялар жойлаштириш йўли билан кўпайтириш жойлаштирилган қўшимча акцияларнинг номинал қиймати миқдорида қайд этилади. Бунда эълон қилинган муайян тоифа ва турдаги акцияларнинг миқдори жойлаштирилган ана шу тоифа ва турлардаги акцияларнинг сонига қисқартирилади.
- 15.7.** Банк устав капиталини қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтириш қонунчиликда белгиланган тартибда, жалб қилинган инвестициялар, банкнинг ўз капитали ва ҳисобланган дивидендлар ҳисобидан амалга оширилиши мумкин.
- 15.8.** Банк устав капиталини унинг ўз капитали ҳисобидан қўшимча акцияларни жойлаштириш йўли билан кўпайтиришда бу акциялар барча акциядорлар ўртасида тақсимланади. Бунда ҳар бир акциядорга қайси турдаги акциялар тегишли бўлса, айни ўша турдаги акциялар унга тегишли акциялар сонига мутаносиб равишда тақсимланади. Банк устав капитали кўпайтирилиши натижасида кўпайтириш суммасининг битта акциянинг номинал қийматига мувофиқлиги таъминланмайдиган бўлса, банк устав капиталини кўпайтиришга йўл қўйилмайди.
- 15.9.** Агар қонун хужжатларида бошқача тартиб белгиланган бўлмаса, банкнинг устав капиталини акцияларнинг номинал қийматини ошириш йўли билан кўпайтиришга йўл қўйилмайди.

**16-банд. Устав капиталини камайтириш**

- 16.1.** Банкнинг устав капитали акцияларнинг номинал қийматини камайтириш ёки уларнинг умумий сонини қисқартириш йўли билан, шу жумладан акцияларни

кейинчалик бекор қылган ҳолда банк томонидан акцияларнинг бир қисмини сотиб олиш йўли билан камайтирилиши мумкин.

- 16.2. Банк устав капитали камайтирилиши натижасида унинг миқдори банк Уставидаги тегишли ўзгаришларни рўйхатга олиш санасида, Ўзбекистон Республикасининг «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонунда белгиланган устав капиталининг энг кам миқдоридан камайиб кетса, банк устав капитали миқдорини камайтиришига ҳақли эмас.
- 16.3. Устав капиталини камайтириш ҳамда банк мазкур Уставга тегишли ўзгаришилар киритиш тўғрисидаги қарор Акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади. Устав капиталини камайтириш тўғрисида қарор қабул қылган вақтда Акциядорларнинг умумий йиғилиши капитални камайтириш сабабларини кўрсатади ва уни камайтириш тартибини белгилайди.

## **8-БОБ**

### **БАНК АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

#### **17-банд. Акциядорларнинг ҳуқуқлари**

- 17.1. Акциядор куйидаги ҳукуқларга эга:
  - 17.1.1. банкнинг акциядорлари реестрига киритилиш;
  - 17.1.2. депозитарийдаги депо ҳисобварагидан ўзига тааллуқли кўчирма олиш;
  - 17.1.3. банк фойдасининг бир қисмини дивидендлар тарзида олиш;
  - 17.1.4. банк тугатилган тақдирда ўзига тегишли улушга мувофиқ мол-мулкнинг бир қисмини олиш;
  - 17.1.5. Акциядорларнинг умумий йиғилишларида овоз бериш орқали банкни бошқаришда иштирок этиш;
  - 17.1.6. белгиланган тартибда банкнинг молиявий-хўжалик фаолияти натижалари тўғрисида тўлиқ ва ишончли ахборот олиш;
  - 17.1.7. қолган дивидендини эркин тасарруф этиш;
  - 17.1.8. қонун хужжатларида белгиланган тартибда ва асосларда банқдан унга тегишли бўлган акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисмини сотиб олишини талаб қилиш. Бу ҳолларда тегишли бўлган акцияларнинг ҳаммаси ёки бир қисмини банкка сотиш ёки рад қилиш, ушбу акцияларни чиқариш рисоласида белгиланган тартибда амалга оширилади, қонун хужжатларида белгиланган ҳолатлар бундан мустасно;
  - 17.1.9. қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органида, шунингдек судда ўз ҳукуқларини ҳимоя қилиш;
  - 17.1.10. ўзига етказилган зарарнинг ўрни қопланиш ва банк томонидан ҳисобланган дивидендларни тўлашни белгиланган тартибда талаб қилиш;
  - 17.1.11. банк акцияларини олишда зарап кўриш, шу жумладан бой берилган фойда эҳтимоли билан боғлиқ таваккалчиликни сугурта қилиш ҳуқуқига эга;
  - 17.1.12. йиғилиш кун тартибидаги масала бўйича овоз беришда биргаликдаги позициясини шакллантириш учун акциядорлар келишуви тузиш;
  - 17.1.13. қонун хужжатлар ва мазур Уставда белгиланган тартибда муайян ахборотлар ва хужжатларга рухсат талаб қилиш;

- 17.1.14. банк кузатув кенгашининг, унинг ваколат доирасига кирадиган масалалар бўйича, шунингдек банк фаолиятини тартибга солувчи қонун хужжатларига риоя қилиниши тўғрисидаги ҳисоботини тинглаш.
- 17.2. Конун хужжатларида белгиланган тартибда, биргаликда
- 17.3. Банкнинг овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида 1 (бир) фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор), банкнинг молиявий йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиқтирмай, қонун хужжатларида белгиланган тартибда акциядорларнинг йиллик умумий йигилишининг кун тартибига кўриб чиқиш учун масалалар киритиш ҳамда банкнинг кузатув кенгаси ва тафтиш комиссиясига (тафтишчилигига) номзодлар кўрсатиш ҳуқуқига эгадирлар.
- 17.4. Акциядорлар қонун хужжатларига ва ушбу Уставга мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.
- 17.5. Акциядор томонидан ҳуқуқларнинг амалга оширилиши бошқа акциядорларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузмаслиги лозим.

#### **18-банд. Акциядорларнинг ахборот бериш мажбуриятлари**

- 18.1. Акциядор қўйидагиларга мажбурдир:
  - 18.1.1. ўз акцияларига бўлган ҳуқуқларини ҳисобга олиш бўйича хизматлар кўрсатувчи марказий депозитарийни ва (ёки) инвестиция воситачисини ўзига оид маълумотлардаги ўзгаришлар ҳакида ўз вақтида хабардор қилиш;
  - 18.1.2. банк сирини, хизмат, тижорат ва бошқа сирни ташкил этувчи ахборотни ва қонун билан қўриқланадиган бошқа маҳфий маълумотларни ошкор этмаслик;
  - 18.1.3. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатлари ва ушбу Уставда назарда тутилган бошқа мажбуриятларни бажариш;
- 18.2. Жамият акцияларининг 50 ва ундан ортиқ фоизи эгасига айланган шахс, агар у бунгача мазкур жамият акцияларига эгалик қилмаган ёки акцияларининг 50 фоизидан камроғига эгалик қилган бўлса, қолган акциялар эгаларига акцияларни бозор киймати бўйича ўзига сотишлари борасидаги таклифини ўттиз кун ичida эълон қилиши шарт. Акциядорнинг ўзига тегишли акцияларни сотиши тўғрисидаги ёзма розилиги эълон қилинган кундан эътиборан ўттиз кун ичida олинган тақдирда, жамиятнинг 50 ва ундан ортиқ фоиз акциялари эгаси мазкур акцияларни сотиб олиши шарт, қонун хужжатларида бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса.

#### **9-БОБ ФОЙДА ТАҚСИМОТИ. ДИВИДЕНДЛАР. ЗАРАРЛАРНИ ҚОПЛАШ**

##### **19-банд. Дивидендлар**

- 19.1. Дивиденд банк соф фойдасининг акциядорлар ўртасида тақсимланадиган қисмидир.
- 19.2. Дивидендлар банк тасарруфида қоладиган соф фойдадан ва (ёки) ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасидан тўланади. Агарда банк етарли даромадга эга бўлмаса, заарга ишлаётган ёки бошқа чекловлар мавжуд бўлса, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар банкнинг захира фонди ҳисобидан тўланиши мумкин.

- 19.3. Банк молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги, тўққиз ойи натижаларига кўра ва (ёки) молиявий йил натижаларига кўра, агар, қонунда ва ушбу Уставда бошқа ҳол назарда тутилмаган бўлса, жойлаштирилган акциялар бўйича дивиденdlар тўлаш тўғрисида қарор қабул қилишга ҳақлидир.
- 19.4. Банкнинг молиявий йилнинг биринчи чораги, ярим йиллиги ва тўққиз ойи натижаларига кўра дивиденdlар тўлаш тўғрисидаги қарори тегишли давр тугаганидан сўнг уч ой ичida қабул қилиниши мумкин.
- 19.5. Акцияларнинг ҳар бир тури бўйича дивиденdlар тўлаш, дивиденднинг миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби тўғрисидаги қарор банк кузатув кенгашининг тавсияси, молиявий ҳисоботнинг ишончлилиги ҳакида аудиторлик хulosаси мавжуд бўлган тақдирда, молиявий ҳисобот маълумотлари асосида Акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан қабул қилинади. Дивиденdlарнинг миқдори банк кузатув кенгаши томонидан тавсия этилган миқдордан кўп бўлиши мумкин эмас.
- 19.6. Акциядорларнинг умумий йигилишининг қарори билан дивиденд нақд пул ёки бошқа қонуний тўлов воситалари ёки банкнинг қимматли қофозлари билан тўланиши мумкин. Банкнинг имтиёзли акциялари бўйича дивиденdlарни қимматли қофозлар билан тўлашга йўл қўйилмайди.
- 19.7. Банк акцияларнинг ҳар бир тури бўйича эълон қилинган дивиденdlарни тўлаши шарт. Дивиденд акциядорлар ўртасида уларга тегишли акцияларнинг сони ва турига мутаносиб равишда тақсимланади.
- 19.8. Дивиденdlарни тўлашда биринчи навбатда имтиёзли акциялар бўйича дивиденdlар тўланади.
- 19.9. Ҳар бир имтиёзли акция учун йиллик дивиденд миқдори 836 (саккиз юз ўттиз олти) сўмни ёки йилнинг ҳар бир чораклиги якунлари бўйича 209 (икки юз тўққиз) сўмни ташкил этади. Дивиденdlар банк ихтиёрида қолган соф фойда ва (ёки) ўтган йиллар тақсимланмаган фойдаси ҳисобидан тўланади. Имтиёзли акциялар бўйича дивиденdlар, шунингдек, банкнинг маҳсус захира фонди маблағлари ҳисобидан ҳам тўланиши мумкин. Имтиёзли акциялар бўйича эълон қилинган, лекин тўланмаган ёки ушбу бандларда кўрсатилган миқдорда тўлиқ тўланмаган дивиденdlар йигиб борилади ва кейинчалик тўланади.
- 19.10. Дивиденdlарни тўлаш тўғрисидаги қарорда дивиденdlарни тўлашнинг бошланиш ва тугаш саналари кўрсатилиши керак, шу билан бирга дивиденdlарни тўлаш мuddати бундай қарор қабул қилинган чёкундан бошлаб 60 кундан кеч бўлмаслиги керак.
- 19.11. Акциядорларга дивиденdlарни тўлаш тўғрисида қарор қабул қилинган акциядорларнинг умумий йигилишини ўtkазиш учун шакллантирилган банк акциядорларининг реестрида қайд этилган шахслар акциялар бўйича дивиденд олиш ҳуқуқига эга.
- 19.12. Банк акциядорларининг реестири, Акциядорларнинг умумий йигилиши ўtkaziladigan sanadan 3 iш куни олдин шакллантирилади.
- 19.13. Банк дивиденdlарнинг миқдорини улардан ундириладиган солиқларни инобатга олмаган ҳолда эълон қиласdi. Банк тўланадиган дивиденdlар миқдори тўғрисидаги маълумотларни қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органининг ва банкнинг расмий веб-сайти (<https://kapitalbank.uz>) да қонун хужжатларида белгиланган муддатларда эълон қиласdi.

## **20-банд. Фойдани тақсимлашдаги чеклов**

- 20.1. Банк қуидагиларни тўлаш ва тўлов бўйича қарор қабул қилиш хукуқига эга эмас:
- 20.1.1. акциядорларга дивидендларни:
- 20.1.1.1.банк таъсис этилаётганда унинг устав капитали тўлиқ тўлангунига қадар.  
Ушбу ҳолатлар тугатилгандан сўнг, Банк акциядорларга ҳисобланган дивидендларни ва банкнинг кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари ва ходимларга мукофот суммаларини тўлаб бериши шарт;
- 20.1.1.2.агар дивидендларни тўлаш вақтида Банкротлик белгилари мавжуд бўлса ёки банкда дивидендларни тўлаш оқибатида ушбу белгилар пайдо бўлса, у ҳолда мазкур ҳолатлар тугатилгандан сўнг, Банк акциядорларга ҳисобланган дивидендларни ва банкнинг кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари ва ходимларга мукофот суммаларини тўлаб бериши шарт;
- 20.1.1.3.агар банкнинг соғ активлари қиймати унинг устав капитали ва захира фонди микдоридан кам бўлса, ушбу ҳолатлар тугатилгандан сўнг Банк акциядорларга ҳисобланган дивидендларни ва банкнинг кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари ва ходимларга мукофот суммаларини тўлаб бериши шарт;
- 20.1.2. Банк акциядорларга дивидендлар тўлаш, шунингдек банкнинг кузатув кенгаши, бошқаруви аъзолари ва ходимларини мукофотлаш орқали фойдани тақсимлашни қуидаги ҳолларда амалга оширишга ҳақли эмас:
- 20.1.2.1.пруденциал нормативлар Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ бўлмагандан ёки улар мазкур тақсимлаш оқибатида бузилганда;
- 20.1.2.2.ночорлик (банкротлик) бўлганда ёки мазкур тақсимлаш оқибатидаnochорликнинг (банкротликнинг) аломатлари юзага келганда;
- 20.1.2.3.Марказий банкнинг ижро этилиши мажбурий бўлган кўрсатмасида акс эттирилган, шу жумладан ахборотни ошкор этиш борасида кўрсатилган камчиликлар бартараф этилмагандан ёки уларни бартараф этиш имконияти мавжуд бўлмагандан;
- 20.2. Конунда белгиланган ҳолларда фойдани тақсимлаш учун Марказий банкнинг рухсати олиниши керак.

## **10-БОБ БАНК ФОНДЛАРИ. ЗАХИРА ФОНДИ**

### **21-банд. Банк фондлари**

- 21.1. Банк устав капиталининг 15 (ўн беш) фоизи микдорида банк захира фондини ташкил этади.
- 21.2. Банкнинг захира фонди ушбу Уставида белгиланган микдорга етгунига қадар Банк соғ фойдасининг 5% микдорида ҳар йилги мажбурий ажратмалар орқали шакллантирилади.
- 21.3. Бошқа маблағлар мавжуд бўлмаган тақдирда банкнинг захира фонди банк заарлари ўрнини қоплаш, банк корпоратив облигацияларини муомаладан чиқариш, имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаш ва банк акцияларини қайтариб сотиб олиш учун мўлжалланади.

## **11-БОБ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ**

- 21.4. Куйидагилар банкнинг бошқарув органлари ҳисобланади:
  - 21.4.1. Акциядорларнинг умумий йиғилиши;
  - 21.4.2. Кузатув кенгаши;
  - 21.4.3. Банк бошқаруви.
- 21.5. Банк кузатув кенгаши ва банк бошқаруви ушбу Устав, банк ички ҳужжатлари, акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорлари ва қонун ҳужжатларда берилган ваколатлар доирасида банк фаолиятига раҳбарлик қиласди.

## **12-БОБ АКЦИЯДОРЛАРНИНГ УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ**

### **22-банд. Акциядорларнинг умумий йиғилиши**

- 22.1. Банкнинг олий бошқарув органи акциядорларнинг умумий йиғилиши ҳисобланади.

### **23-банд. Акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатлари**

- 23.1. Банк акциядорлари умумий йиғилишининг мутлақ ваколат доирасига куйидагилар киради:
  - 23.1.1. мазкур Уставга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ёки банкнинг янги таҳрирдаги Уставини тасдиқлаш, банк кузатув кенгашининг қарорига асосан амалга ошириладиган, устав капиталини эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдори чегарасигача кўпайтириш, шунингдек, устав капиталини бундай кўпайтириш ва банкнинг эълон қилган акциялари миқдорини камайтириш билан боғлиқ бўлган банкнинг уставига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бундан мустасно;
  - 23.1.2. банкни қайта ташкил этиш;
  - 23.1.3. банкни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш, ҳамда оралиқ ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
  - 23.1.4. кузатув кенгашининг миқдорий таркибини аниқлаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатдан илгари тугатиш;
  - 23.1.5. миноритар акциядорлар қўмитасининг миқдорий таркибини яратиш ва аниқлаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатдан илгари тугатиш;
  - 23.1.6. эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини аниқлаш;
  - 23.1.7. устав капиталини камайтириш;
  - 23.1.8. қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Марказий банкнинг розилиги билан банк томонидан ўз акцияларини сотиб олиш;
  - 23.1.9. банкнинг ташкилий тузилмасини тасдиқлаш;
  - 23.1.10. мажбурий аудиторлик текширувани ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини (кейинги ўринларда “ташқи мустақил аудиторлик ташкилоти” деб юритилади) тузиш, унинг хизматларига тўланадиган энг

күп ҳақ миқдори белгилаш ҳамда у билан шартнома тузиш (бекор қилиш) тұғрисида қарор қабул қилиш;

- 23.1.11. тафтиш комиссиясини ташкил этиш ва тугатиши;
- 23.1.12. акциядорлар умумий йиғилиши, миноритар акциядорлар күмитаси, банк кузатув кенгаши, банк бошқаруви ва банк кузатув кенгаши аъзоларини мукофотлаш тартиби тұғрисида низомларни ва қонун хужжатларига асосан акциядорлар умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига киругчи банкнинг ички хужжатларини, шунингдек, уларга киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришларни тасдиқлаш;
- 23.1.13. банкнинг йиллик ҳисоботини, шунингдек, банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиққан ҳолда банкни ўрта муддатга ва узок муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш;
- 23.1.14. қонун хужжатлари талаблари ва чекловларини ҳисобга олган ҳолда Банк фойдаси ва заарларини тақсимлаш;
- 23.1.15. кузатув кенгашининг ўз ваколат доирасига кирадиган масалалар юзасидан, шу жумладан, банкни бошқаришга доир қонун хужжатларида белгиланган талабларга риоя этилиши юзасидан ҳисоботларини эшлиши;
- 23.1.16. банк томонидан корпоратив облигациялар, шу жумладан, акцияларга айирбошланадиган облигациялар чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- 23.1.17. қимматли қоғозларнинг ҳосилаларини чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- 23.1.18. қонун хужжатларида назарда тутилган ҳолларда, аффилланган шахслар билан битим тузиш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- 23.1.19. акциядорлар умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш;
- 23.1.20. акцияларни майдалаш ва йириклиштириш;
- 23.1.21. баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тұғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соғ активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мұлк хусусида йирик битим тузиш тұғрисидаги қарор қабул қилиш. Бунда йирик битим тузиш тұғрисидаги қарор мол-мұлкнинг қонунчилікка мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинған, мустақил ташқи аудиторлық ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилған ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.
- 23.1.22. банк кузатув кенгаши ва банк бошқарувининг банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тұғрисидаги ҳисоботларини кўриб чиқади;
- 23.1.23. банк кузатув кенгаши томонидан қарорлар қабул қилиниши мумкин бўлған банк томонидан хайрия, текин ва ҳомийлик ёрдами кўрсатиш чегараларини ўрнатиш бўйича қарорлар қабул қилиш;
- 23.1.24. имтиёзли акцияларни оддий акцияларга айирбошлаш тұғрисидаги қарорни қабул қилиш ва тасдиқлаш;
- 23.1.25. қонун хужжатлар, мазкур Устав, акциядорларнинг умумий йиғилиши ва банкнинг бошқа ички хужжатлари билан акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатларига киритилған бошқа масалаларни хал килиш.

- 23.2. Ушбу Уставнинг 22-банди 23.1.1, 23.1.2, 23.1.3, 23.1.6, 23.1.15, 23.1.18, 23.1.21 кичик бандларида кўрсатилган масалалар бўйича қарор акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этаётган овоз берувчи акцияларнинг эгалари бўлган акциядорларнинг 3/4 (тўртдан уч) қисмидан иборат кўпчилик (малакали кўпчилик) овози билан қабул қилинади.

#### **24-банд. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши**

- 24.1. Банк ҳар йили акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини ўтказиши шарт. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилиши молия йили тугаганидан кейин 6 (олти) ойдан кеч бўлмаган муддатда ўтказилади.

#### **25-банд. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши**

- 25.1. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишидан ташқари ўтказиладиган акциядорларнинг умумий йигилишлари навбатдан ташқари ҳисобланади.
- 25.2. Акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши банк кузатув кенгашининг қарорига кўра унинг ўз ташаббуси асосида, шунингдек талаб тақдим этилган санада банк овоз берувчи акцияларнинг камидаги беш фоизига эгалик қилувчи акциядорнинг (акциядорларнинг) ёзма талаби асосида ўтказилади.

#### **26-банд. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш тўғрисида маълумот**

- 26.1. Акциядорларнинг умумий йигилиши тўғрисида хабар корпоратив ахборотнинг ягона портали ҳамда банкнинг расмий веб-сайти (<https://kapitalbank.uz>) ҳамда оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади, шунингдек акциядорларга электрон почта орқали акциядорлар реестри асосида амалдаги қонун хуҗжатларида белгиланган муддатларда юборилади.
- 26.2. Акциядорларнинг йиллик умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик кўрилаётганда акциядорларга тақдим этилиши лозим бўлган ахборотта (материалларга) банкнинг йиллик ҳисоботи, банкнинг йиллик молиявий-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан аудиторлик ташкилотининг хуносаси, шунингдек, банк кузатув кенгashi ва миноритар акциядорлар кўмитаси аъзолигига номзодлар тўғрисидаги маълумотлар, банкнинг ушбу Уставига киритиладиган ўзгартириш ва қўшимчалар лойиҳаси ёки банкнинг янги таҳрирдаги Устави лойиҳаси киради.

#### **27-банд. Акциядорлар умумий йигилишининг кун тартибига таклифлари**

- 27.1. Акциядорларнинг умумий йигилиши кун тартибига киритилмаган масалалар бўйича қарор қабул қилиш, шунингдек кун тартибига ўзгартиришлар киритиш хукуқига эга эмас.

#### **28-банд. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказишга тайёргарлик**

- 28.1. Акциядорларнинг умумий йигилишига тайёргарлик кўришда кузатув кенгashi ёки банкнинг овоз берувчи акцияларнинг камидаги 5 (беш) фоизига эгалик қилувчи шахслар, акциядорлар (акциядорлар) қўйидагиларни белгилайдилар:

- 28.1.1. умумий йигилиш санаси, вақти ва жойини;
- 28.1.2. умумий йигилиш кун тартибини;

- 28.1.3. умумий йиғилиш учун банк акциядорлари реестрини шакллантириш санасини;
  - 28.1.4. акциядорларга умумий йиғилиш тұғрисида хабар бериш тартибини;
  - 28.1.5. умумий йиғилишга тайёргарлик күриш учун акциядорларга тақдим этиладиган маълумотлар (материаллар) рўйхатини;
  - 28.1.6. овоз бериш бюллетенининг шакли ва матнини;
  - 28.1.7. акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш ва овоз бериш тартибини, шунингдек ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб.
- 28.2. Акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санаси уни ўтказиш тұғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб 21 (йигирма бир) кундан кам ва 30 (үттиз) кундан ортиқ бўлмаган муддатга белгиланиши мумкин эмас.

#### **29-банд. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш хуқуқи**

- 29.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш хуқуқига акциядорларнинг умумий йиғилишини ўтказиш санасидан 3 иш куни олдин шакллантириладиган банк акциядорларининг реестрида қайд этилган акциядорлар эга бўлади.
- 29.2. Банк овоз берувчи акцияларининг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядорлар (акциядор) банкнинг молия йили тугаганидан кейин 90 (тўқсон) кундан кечиктиримай, акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши кун тартибига қонун ҳужжатларда ўрнатилган тартибда масалалар киритишга ҳамда миноритар акциядорлар кўмитаси, банк кузатув кенгашига бу органинг миқдор таркибидан ошмайдиган тарзда номзодлар кўрсатишга ҳақли.

#### **30-банд. Акциядорларнинг умумий йиғилишида акциядорларнинг иштирок этиш тартиби**

- 30.1. Акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш хуқуқи шахсан акциядор томонидан ёки унинг вакили орқали амалга оширилади. Акциядор акциядорларнинг умумий йиғилишидаги ўз вакилини исталган вақтда алмаштиришга ёки йиғилишда шахсан ўзи иштирок этишга ҳақлидир.
- 30.2. Акциядорнинг вакили акциядорларнинг умумий йиғилишида ёзма шаклда тузилган ишончнома асосида иш юритади. Овоз беришга доир ишончномада ваколат берган ва вакил қилинган шахс тұғрисидаги маълумотлар (исми-шарифи ёки номи, яшаш жойи ёки жойлашган ери, паспортига ёки идентификацияловчи ID-картасига оид маълумотлар) бўлиши лозим. Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тартибда тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан овоз беришга доир ишончнома унинг раҳбарининг имзоси ва ушбу юридик шахснинг муҳри билан (муҳр мавжуд бўлган тақдирда) тасдиқланган ҳолда берилади.

#### **31-банд. Акциядорлар умумий йиғилишининг кворуми**

- 31.1. Агар акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтдан, банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами 50 (эллик) фоизидан кўпига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг умумий йиғилиши ваколатли (кворумга эга) бўлади).

- 31.2. Акциядорларнинг умумий йигилишини ўтказиш учун кворум бўлмаса, акциядорларнинг тақоријий умумий йигилишини ўтказиш санаси эълон қилинади. Акциядорларнинг тақоријий умумий йигилишини ўтказишда кун тартибини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.
- 31.3. Агар акциядорларнинг ўтказилмай қолган йигилиши ўрнига чақирилган тақоријий умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатдан ўтказиш тугалланган пайтда банкнинг жойлаштирилган овоз берувчи акцияларининг жами кирқ фоизидан кўпроқ овозига эга бўлган акциядорлар (уларнинг вакиллари) рўйхатдан ўтган бўлса, акциядорларнинг тақоријий умумий йигилиши ваколатли бўлади.

### **32-банд. Акциядорларнинг умумий йигилишида овоз бериш**

- 32.1. Акциядорларнинг умумий йигилишида кун тартибидаги масалалар бўйича овоз бериш овоз бериш бюллетенлари орқали ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб амалга оширилади. Овоз бериш бюллетенларининг шакли ва матни банк кузатув кенгаши томонидан тасдиқланади, акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йигилиши банк кузатув кенгаши томонидан чақирилмаган ҳоллар бундан мустасно. Овоз бериш бюллетени умумий йигилишида иштирок этиш учун рўйхатга олинган акциядорга (унинг вакилига) берилади.
- 32.2. Банк акциядорларнинг умумий йигилишида иштирок этувчи шахсга, ушбу шахс ҳисобидан улар томонидан тўлдирилган бюллетендан нусха кўчириб олиш имконини беради.
- 32.3. Кузатув кенгаши аъзосини сайлаш масаласида овоз беришда овоз бериш бюллетенида номзоднинг фамилияси, исми, отасининг исми кўрсатилган маълумотлар бўлиши керак.
- 32.4. Саноқ комиссияси акциядорларнинг умумий йигилишида кворум бор ёки йўқлигини аниқлайди, умумий йигилишида овоз бериш хукуқларининг акциядорлар (уларнинг вакиллари) томонидан амалга оширилиши муносабати билан юзага келадиган масалаларни тушунтиради, овозга кўйиладиган масалалар бўйича овоз бериш тартибини тушунтиради, овоз беришнинг белгиланган тартиби ва акциядорларнинг овоз беришда иштирок этиш хукуқларини таъминлайди, овозларни санаб чиқади ва овоз бериш якунларини чиқаради, овоз бериш якунлари тўғрисида баённома тузади, овоз бериш бюллетенларини банкнинг архивига топширади.

### **33-банд. Миноритар акциядорлар қўмитаси**

- 33.1. Миноритар акциядорларнинг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида банкда уларнинг орасидан миноритар акциядорларнинг қўмитаси ташкил этилиши мумкин.
- 33.2. Миноритар акциядорлар қўмитасининг таркибига номзодлар бўйича таклифлар банкка банк кузатув кенгашига номзодлар бўйича таклифлар киритиш учун назарда тутилган тартибда ва муддатларда киритилади.
- 33.3. Миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзоларини сайлашда акциядорларнинг умумий йигилишида ҳозир бўлган ва банк кузатув кенгашига номзодлар кўрсатмаган ёхуд акциядорларнинг ўтказилаётган умумий йигилишида банк кузатув кенгашига номзодлари сайланмаган акциядорлар иштирок этади.

- 33.4. Миноритар акциядорлар қўмитаси таркибига банк бошқаруви раиси, банк бошқаруви аъзолари, шунингдек банк кузатув кенгашига сайланган шахслар киритилиши мумкин эмас.
- 33.5. Миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколатига куйидагилар киради:
- 33.5.1. акциядорларнинг умумий йигилиши ёки банк кузатув кенгаши кўриб чиқиши учун киритилаётган йирик битимлар ва аффилланган шахслар билан битимлар тузишга оид масалалар бўйича таклифлар тайёрлашда иштирок этиш;
- 33.5.2. миноритар акциядорларнинг ўз ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ мурожаатларини кўриб чиқиши;
- 33.5.3. қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органига миноритар акциядорларнинг ҳукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш тўғрисида мурожаатлар киритиши;
- 33.5.4. қонун ҳужжатларига ва банкнинг ушбу Уставига мувофиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиши.
- 33.6. Миноритар акциядорлар қўмитасининг қарорлари оддий кўпчилик овози билан қабул қилинади. Миноритар акциядорлар қўмитасининг мажлислари унинг микдор таркибига сайланган шахсларнинг камида 3/4 (тўртдан уч қисми) ҳозир бўлганда ваколатлидир.
- 33.7. Миноритар акциядорлар қўмитаси 3 (уч) кишидан кам бўлмаган таркибда сайланади ва тоқ сондан ташкил топган бўлиши керак.
- 33.8. Миноритар акциядорларнинг қўмитаси қабул қилинган қарорлар тўғрисида ҳар йили акциядорларнинг умумий йигилишида ҳисобот беради.
- 33.9. Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси миноритар акциядорлар қўмитасининг аъзолари томонидан унинг аъзолари орасидан кўпчиликнинг овози билан сайланади.
- 33.10. Миноритар акциядорлар қўмитасининг раиси миноритар акциядорлар қўмитасининг ваколат доирасига киритилган барча масалалар бўйича банкнинг ҳужжатларидан фойдаланиш ҳукуқига эга.
- 33.11. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолият кўрсатиш тартиби қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан тасдиқланади.
- 33.12. Миноритар акциядорлар қўмитаси банкнинг хўжалик фаолиятига аралашишга, миноритар акциядорлар эса ҳужжатларни асоссиз равища талаб қилишга ва маҳфий ахборотлар, тижорат ва банк сирларини сақлаб банкнинг бошқарув органлари фаолиятига тўскинлик қилишга ҳақли эмас.
- 33.13. Миноритар акциядорлар қўмитасининг фаолиятига банк кузатув кенгашининг ёки банк бошқарувининг аралашувига йўл қўйилмайди.

#### **34-банд. Акциядорлар умумий йигилишининг қарори**

- 34.1. Овоз бериш натижаларига кўра, саноқ комиссияси саноқ комиссияси аъзолари томонидан имзоланадиган овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённомани тузади. Овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йигилишининг кворуми, шу жумладан ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб амалга ошириладиган маълумотларни ўз ичига олади.

- 34.2. Овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома тузилгандан ва акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси имзолангандан сўнг, акциядорларнинг овоз бериш бюллетенлари қофоз шаклида ёки электрон воситада саноқ комиссияси томонидан муҳрланади ва сақлаш учун банк архивига топширилади.
- 34.3. Овоз бериш натижалари тўғрисидаги баённома акциядорлар умумий йигилишининг баённомасига қўшилиши лозим.
- 34.4. Овоз бериш натижалари овоз бериш ўтказилган акциядорларнинг умумий йигилишида эълон қилинади, шунингдек овоз бериш натижалари тўғрисидаги ҳисоботни эълон қилиш орқали акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилгандан кейин акциядорларга етказилади.

### **35-банд. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси**

- 35.1. Акциядорлар умумий йигилишининг баённомаси акциядорларнинг умумий йигилиши ёпилганидан кейин 10 (үн) кундан кечиктирмай икки нусхада тузилади. Ҳар иккала нусха ҳам умумий йигилишда раислик қилувчи ва умумий йигилиш котиби томонидан имзоланади.

## **13-БОБ КУЗАТУВ КЕНГАШИ**

### **36-банд. Кузатув кенгаши**

- 36.1. Банкнинг кузатув кенгаши банк фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади, бошқарувга оид қарорлар қабул қилиш жараёнида назорат ва текширув вазифасини бажаради ҳамда умуман банкнинг фаолияти ва молиявий барқарорлиги учун жавобгардир.
- 36.2. Банкнинг кузатув кенгаши банкни самарали ва тадбирли бошқаришни, шу жумладан банк бошқаруви аъзолари ўртасида ваколатларнинг ҳамда жавобгарликнинг тақсимланишини, манфаатлар тўқнашувининг олди олинишини ва бартараф этилишини таъминлайдиган бошқарув ташкилий тузилмасини белгилайди ҳамда унинг жорий этилиши устидан назорат ва текширувни амалга оширади.
- 36.3. Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари банкнинг оқилона корпоратив бошқарувига кўмаклашиши ҳамда ўз ваколатларини ва мажбуриятларини бажариш чогида банкнинг, унинг омонатчилари ва акциядорларининг қонуний манфаатларини инобатга олиши, шунингдек Марказий банк билан самарали ҳамкорликни таъминлаши керак.

### **37-банд. Кузатув кенгашининг ваколатлари**

- 37.1. Банк кузатув кенгашининг ваколат доирасига қўйидагилар киради:
  - 37.1.1. халқаро тажрибани таҳлил қилиш асосида инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва Банк бошқаруви ваколатига киритилган бошқа масалалар бўйича Банкни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида банк бошқарувининг ҳисоботларини мунтазам равишда эшлиб бориш;
  - 37.1.2. акциядорларнинг йиллик ва навбатдан ташқари умумий йигилишларини чақириш, қонун ҳужжатларида ва ушбу Уставда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

- 37.1.3. акциядорлар умумий йигилиш кун тартибини тайёрлаш, шу жумладан, банк кузатув кенгашининг умумий йигилиш кун тартибидаги масала бўйича позицияси юзасидан зарур маълумотларни тақдим этиш;
- 37.1.4. акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказиладиган сана, вақти ва жойини белгилаш;
- 37.1.5. акциядорларнинг умумий йигилиши ўтказилиши ҳақида хабар қилиш учун банк акциядорларининг реестрини шакллантириш санасини белгилаш;
- 37.1.6. банкни қайта ташкил қилиш ва тугатиш, банкнинг ушбу Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки янги таҳрирдаги банк Уставини тасдиқлаш, мажбурий аудиторлик текшируви ўтказиш; банкнинг йиллик ҳисботи, банк фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсадидан келиб чиқсан ҳолда банкни ўрта муддатга ва узоқ муддатга ривожлантиришнинг аниқ муддатлари белгиланган стратегиясини тасдиқлаш, фойда ва зарарлари тақсимлаш масалалирни акциядорларнинг умумий йигилиши муҳокамисига киритиш;
- 37.1.7. мол-мулкнинг бозор қийматини белгилашни ташкил этиш;
- 37.1.8. банкнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш, бунда банкнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси банк кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабридан кечиктирмай тасдиқланиши лозим;
- 37.1.9. банк бошқарувини тузиш, банк бошқаруви раисини сайлаш (тайинлаш), унинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 37.1.10. банк бошқаруви аъзоларини лавозимига сайлаш (тайинлаш) ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тугатиш;
- 37.1.11. маҳсус қўмиталар тузиш ва ишини ташкил этиш, банкнинг ички аудит департаменти ҳамда кузатув кенгаши қошидаги бошқа таркибий бўлинмаларни тузиш, шунингдек уларнинг раҳбар ходимларини ишга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш, корпоратив маслаҳатчини тайинлаш, унинг лавозимдан озод этиш, уларнинг фаолият тартибини беллигалааб берувчи низомларни тасдиқлаш, ҳамда уларнинг ҳисботларини эшлиш;
- 37.1.12. дивиденд миқдори, уни тўлаш шакли ва тартиби юзасидан тавсиялар бериш;
- 37.1.13. банкнинг захира фонди ва бошқа фондларидан фойдаланиш;
- 37.1.14. шўъба ва тобе хўжалик жамиятларини ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш;
- 37.1.15. шўъба корхоналар ва тобе хўжалик жамиятларини очиш, ташкил этиш, қайта ташкил этиш ва тугатиш;
- 37.1.16. баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари миқдорининг 15 (ўн беш) фоизидан 50 (эллик) фоизигачасини ташкил этувчи мол-мулк хусусида банк томонидан мол-мулкни олиш ёхуд эҳтимолий бегоналаштириш билан боғлиқ бўлган йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш;
- 37.1.17. қонунчиликда ўрнатилган тартибда банкнинг тижорат ва нотижорат ташкилотларида қатнашиши билан боғлиқ битимлар тузиш;

- 37.1.18. корпоратив облигацияларини қайтариб сотиб олиш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- 37.1.19. банк билан алокадор бўлган ёки аффилланган шахслар билан битим тузишга рухсат бериш, бундай битим тузиш тұғрисидаги қарор қонун хужжатлари ва ушбу Уставга муфовиқ акциядорлар умумий йигилишининг ваколат доирасига киритилган ҳоллар бундан мустасно. Бунда, агар кузатув кенгашининг аъзоси (лари) банк билан боғлиқ шахс бўлса, у ҳолда банк томонидан битим тузиш тұғрисидаги қарор уни амалга оширишдан манфаатдор бўлмаган кузатув кенгashi аъзолари томонидан яқдил овози билан қабул қилинади. Агар кузатув кенгашининг манфаатдор бўлмаган аъзолари сони кузатув кенгashi йигилишини ўтказиш учун қонун хужжатларида белгиланган кворумдан кам бўлса, ушбу масала бўйича қарор Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукукларини ҳимоя қилиш тұғрисида”ги Қонуни билан назарда тутилган тартибда қабул қилиниши керак;
- 37.1.20. банк томонидан корпоратив облигация чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш (акцияга айирбошланадиган корпоратив облигациялар бундан мустасно);
- 37.1.21. депозит сертификатлари чиқариш тұғрисида қарор қабул қилиш;
- 37.1.22. акцияларни жойлаштириш (қимматли қоғозларнинг биржа бозорига ва уюшган биржадан ташқари бозорига чиқариш) нархини қонун хужжатлари ва ушбу Уставга муфовиқ белгилаш;
- 37.1.23. банк бошқаруви аъзоларига тўланадиган ҳақ ва (ёки) компенсацияларнинг миқдорларини ўрнатиш;
- 37.1.24. банкнинг ички хужжатларни тасдиқлаш, ва уларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш тартибини белгилаш, қонун хужжатлари ва ушбу Уставга муфовиқ тасдиқлаш акциядорларнинг умумий йигилишининг ва банк бошқарувининг ваколатига тааллуқли бўлган ички хужжатларни тасдиқлаш бундан мустасно;
- 37.1.25. Банк бошқаруви фаолиятига дахлдор ҳар қандай хужжатдан эркин фойдаланиш ва банк бошқаруви ёки унинг топшириғи бўйича масъул шахслардан банк кузатув кенгashi зиммасига юклатилган вазифаларни бажариш учун уларни олиш. Банк кузатув кенгashi ва унинг аъзолари олинган хужжатлардан фақат хизмат мақсадларида фойдаланиши мумкин;
- 37.1.26. Бош офис, банк филиаллари ташкилий тузилмасини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш;
- 37.1.27. хайрия, ҳомийлик ва бегараз ёрдам бериш шартлари ва улар ҳақида қарорлар қабул қилиш. Бунда акциядорлар умумий йигилиши ва жорий йил учун бизнес-режада белгиланган чегарадан четта чиқмаган ҳолда, бу ҳақда акциядорларнинг йиллик умумий йигилишида барча акциядорларга маълумотларни ошкор этиш шарти билан хайрия, ҳомийлик ва бегараз ёрдам беришга банк кузатув кенгашининг қарори асосида йўл қўйилади;
- 37.1.28. банк ички хужжатларида белгиланган тартибда юзага келувчи банк ва (ёки) унинг таркибий тузилмалари ва (ёки) ходимлари, мижозларининг мулкий ва бошқа манфаатлари ўртасидаги зиддият, бунинг натижасида

банк ва (ёки) унинг мижозлари учун нохуш оқибатларни келтириб чиқарувчи манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва уни бартараф этиш;

- 37.1.29. учинчи шахслар томонидан банк фаолияти тўғрисидаги эксперт ҳисоботларини банкнинг расмий веб сайти ёки “Интернет” жаҳон ахборот телекоммуникация тармоғида жойлаштириш учун дастлабки розилик бериш;
- 37.1.30. банк устав капиталини эълон килинган акцияларнинг энг кўп миқдори доирасида купайтириш, шунингдек, банк Уставига устав капиталининг бундай кўпайиши билан ва эълон килинган акцияларнинг тегишли тарзда камайиши билан боғлиқ қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида қарор қабул қилиш ва тасдиқлаш;
- 37.1.31. аудиторлик (мажбурий аудиторлик текширувидан ташқари) текшируванин ўтказиш тўғрисида, унинг хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш ва у билан шартнома тузиш (ёки бекор қилиш) ҳақида қарор қабул қилиш;
- 37.1.32. стратегик мақсадларни, Корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички сиёсатларини, шу жумладан таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туриш сиёсатини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилиши устидан назорат қилиш;
- 37.1.33. активларни таснифлаш асосида активлар бўйича эҳтимолдаги зарарларга қарши яратиладиган захиралар шакллантирилиши устидан назорат қилиш, шунингдек банкнинг капитал ва умумий захираларининг етарли даражада сақлаб турилишини таъминлаш;
- 37.1.34. манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш ва ҳал қилиш сиёсатини, шунингдек, банкнинг барча ишчилари, унинг раҳбарияти учун мажбур бўлган аҳлоқий стандартларни белгилаб берувчи;
- 37.1.35. банкнинг молиявий ҳолатини тиклаш режаларини тасдиқлаш;
- 37.1.36. банк бошқаруви фаолияти устидан назоратни амалга ошириш;
- 37.1.37. банкнинг қабул қилинган бизнес-режаси бажарилиши устидан назорат қилиш, шунингдек ҳар чорақда банкнинг фаолияти натижалари тўғрисида банк бошқарувининг ҳисботини эшлиши;
- 37.1.38. банкнинг ички аудит департаменти, ҳамда кузатув кенгаши қошидаги таркибий бўлинмалари иш фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, банк ички аудит департаментининг чораклик ҳисботлари асосида бошқарувнинг банкнинг стратегиялари ва сиёсатларига риоя этилишини баҳолашдан ўтказиши;
- 37.1.39. банк бошқаруви аъзолари томонидан тақдим этилган ахборотни, таклифларни ва тушунтиришларни ўрганиш, муҳокама қилиш ҳамда улар бўйича баҳслашиш;
- 37.1.40. банк фаолиятини бошқариш алоҳида тизимлари самарадорлигини, шу жумладан банк ходимлари ва раҳбариятига ҳақ тўлаш ва мукофотлаш тизимлари мониторингини ва уларни даврий баҳолашни амалга ошириш ҳамда аниқланган камчиликларни бартараф этиш учун тегишли чораларни кўриш;

- 37.1.41. бир йилда камида 1 (бир) марта амалга оширилган назорат ва текширув фаолияти тўғрисида акциядорларнинг умумий йигилишига ҳисбот тақдим этиш;
- 37.1.42. йиллик молиявий ҳисботларни дастлабки тасдиқлаш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботлар тизимининг яхлитлигини таъминлаш;
- 37.1.43. банкнинг узоқ муддатли молиявий манфаатларини ва Марказий банк томонидан капиталга нисбатан белгиланган талабларни, шунингдек ички назорат ва хатарларни бошқариш тизимини ҳисобга олган ҳолда пруденциал талабларга риоя этилишини таъминлаш;
- 37.1.44. коррупцияни олдини олиш чораларини тасдиқлаш;
- 37.1.45. одоб-ахлоқ қоидаларини тасдиқлаш;
- 37.1.46. самарадорлик қўрсаткичлари ва уларнинг иш фаолияти натижалари асосида камида йилига 1 (бир) марта ҳар бир кузатув кенгаши аъзосининг касб жавобгарлигини баҳолаш, шунингдек уларнинг бошқарув фаолияти усуллари ва сиёсатининг самарадорлигини кўриб чиқиш, улардаги муаммоли жиҳатларни аниқлаш ва уларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш;
- 37.1.47. банк ходимларига, шу жумладан банк раҳбариятига нисбатан мувофиқ келмайдиган хатти-ҳаракатлари ва/ёки қоидабузарликлари учун интизомий чоралар ёки бошқа жавобгарликни қўллаш устидан назоратни амалга ошириш;
- 37.2. қонун хужжатларда, банкнинг ушбу Устави, Банк кузатув кенгаши тўғрисидаги Низом ва банкнинг бошқа ички хужжатлари билан банк кузатув кенгаши ваколатларига кирувчи бошқа масалаларни ҳал қилиш.
- 37.3. Банк кузатув кенгаши ваколатларига кирувчи масалаларни ҳал қилиш банк бошқарувига топширилиши мумкин эмас, қонунчиликда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

### **38-банд. Кузатув кенгашини сайлаш**

- 38.1. Банкнинг кузатув кенгаши аъзолари 7 (етти) кишидан иборат таркибда сайланади. Бунда кузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилиги банкка алоқадор шахслар бўлмаслиги керак, бундан уларнинг кузатув кенгашидаги аъзолиги мустасно.
- 38.2. Банк кузатув кенгаши аъзолари акциядорлар умумий йигилиши томонидан чексиз қайта сайланиш хукуқи билан 3 йил муддатга сайланадилар.
- 38.3. Кузатув кенгаши аъзолигига номзодлар ишчанлик обрўсига, банк хатарларини самарали бошқариш, ўз ваколатлари доирасида асосланган қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган тажриба, билим ва кўникмаларга эга бўлишлари лозим.
- 38.4. Куйидаги ҳолларда шахс кузатув кенгаши аъзолигига сайланиши мумкин эмас ёки сайланган шахс кузатув кенгаши аъзолиги хукуқидан маҳрум этилади, агар:
  - 38.4.1. шахс икки ёки ундан ортиқ банкнинг кузатув кенгаши аъзоси бўлса ёки аъзо бўлиш ниятида бўлса, бундан мазкур банклар бир банк гуруҳига тегишли бўлган ҳоллар мустасно;

- 38.4.2. шахснинг ваколатлари Марказий банк талабига кўра муддатидан илгари тутатилган бўлса.
- 38.5. Банк бошқаруви аъзолари ва банк бошқаруви раиси, шунингдек, банқда, унинг шўйба ва қарам жамиятларида меҳнат шартномаси (контракт) бўйича ишлаётган шахслар, банк бошқаруви органлари аъзолари банк кузатув кенгаши аъзоси бўлиши мумкин эмас.
- 38.6. Банк кузатув кенгаши аъзолари сайлови кумулятив овоз бериш орқали амалга оширилади.
- 38.7. Кумулятив овоз беришда ҳар бир акциядорга тегишли овозлар сони банк кузатув кенгашига сайланиши лозим бўлган шахслар сонига қўпайтирилади ва акциядор шу тариқа олинган овозларни 1 (битта) номзодга тўлиқ беришга ёки уларни 2 (икки) ва ундан ортиқ номзодлар ўртасида тақсимлашга ҳақли.
- 38.8. Энг қўп овоз тўплаган номзодлар банк кузатув кенгашининг таркибиغا сайланган деб ҳисобланади.

### **39-банд. Кузатув кенгаши раиси**

- 39.1. Банк кузатув кенгашининг раиси банк кузатув кенгаши аъзоларининг умумий сонига нисбатан кўпчилик овоз билан банк кузатув кенгаши таркибидан банк кузатув кенгаши аъзолари томонидан сайланади.
- 39.2. Банк кузатув кенгашининг раиси унинг ишини ташкил этади, банк кузатув кенгаши мажлисларини чақиради ва уларда раислик қиласида, мажлисларида баённома юритилишини ташкил этади ҳамда акциядорларнинг умумий йигилишида раислик қиласида, банк номидан бошқарув раисини ёллаш тўғрисидаги меҳнат шартномасини тузади, шунингдек у кузатув кенгаши фаолиятини бошқариш ва самарадорлигини таъминлаш ҳамда кузатув кенгаши аъзолари ўртасида ишончли муносабатларни шакллантириш учун жавобгардир.
- 39.3. Банк кузатув кенгашининг раиси бўлмаган тақдирда унинг вазифасини банк кузатув кенгашининг аъзоларидан бири амалга оширади.

### **40-банд. Кузатув кенгаши аъзоларининг вазифалари**

- 40.1. Кузатув кенгаши аъзолари куйидагиларга мажбур:
- 40.1.1. Банкнинг оқилона корпоратив бошқарувига кўмаклашишга ҳамда ўз ваколатларини ва мажбуриятларини бажариш чоғида банкнинг, унинг омонатчилари ва акциядорларининг қонуний манфаатларини инобатга олишга, шунингдек Марказий банк билан самарали ҳамкорликни таъминлашга, банк манфаатлари йўлида ҳалол ва вижданан ҳаракат қилишга ҳамда амалдаги қонун хужжатларида, ушбу Уставда, Банк кузатув кенгаши тўғрисидаги низомда ва банкнинг бошқа ички хужжатларида назарда тутилган бошқа вазифаларни бажаришга;
- 40.1.2. фаолият юритаётган банк корпоратив бошқарувининг ташкилий тузилмасини, кузатув кенгашининг функцияларини билишга, корпоратив бошқарувдаги ўзининг ўрнини англашга, банк фаолиятига хос бўлган таваккалчиликлар ҳақида тасаввурга эга бўлишга, шунингдек, банкмолия соҳасидаги, таваккалчиликларни бошқариш ва корпоратив бошқарувни ташкил этиш борасидаги билим ва малакасини доимий равишда ошириб боришга;

- 40.1.3. Банк фаолиятида фаол қатнашишга, унинг фаолиятидаги ва ташқи шароитлардаги мухим ўзгаришларни кузатиб боришга, шунингдек, узок муддатли истиқболда банк манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган чораларни ўз вактида кўришга, корпоратив маданият ва қадриятларни шакллантиришда етакчи ўринни тутишга;
- 40.1.4. кўриб чиқилаётган масалалар юзасидан кузатув кенгашнинг бошқа аъзолари, бошқарув аъзолари ва банк ходимларининг қарашларидан қатъи назар ўзининг асосланган фикрини билдиришга. Масъулиятни ҳис қилган ҳолда жавобгарликни ва жонкуярликни намоён қилишга ва содиқлик билан хизмат қилишга, банк ва унинг барча акциядорлари манфаатларини кўзлаб, юклатилган вазифа ва мажбуриятларни вижданан ва оқилона амалга оширишга, ўзининг ёки айrim шахслар манфаатлари йўлида ўз ваколатларини суистеъмол қилмаслигига;
- 40.1.5. манфаатлар тўқнашувига олиб келувчи харакатлардан қочишга, шунингдек, манфаатлар тўқнашуви юзага келганлиги ҳақида дарҳол кенгашга хабар беришга ва уни бартараф этиш юзасидан чора кўришга;
- 40.1.6. Кузатув кенгаши ва унинг қўмиталари мажлисларида ўз ваколатларини учинчи шахсга ўтказмаган ҳолда иштирок этишга;
- 40.1.7. Кузатув кенгашга аъзолиги чогида ўзига маълум бўлиб қолган тижорат, банк сири ва қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларнинг махфийлигига риоя этишга.

#### **41-банд. Кузатув кенгашининг йиғилишлари**

- 41.1. Банк кузатув кенгашининг мажлиси банк кузатув кенгашнинг раиси томонидан унинг ўз ташабусига қўра, 1 (бир) фойиздан кам бўлмаган оддий акциялари эгаси бўлган акциядорлар, ббанк кузатув кенгаши, банк бошқаруви аъзолари, ички аудит департаменти директори, банкнинг ташқи аудиторлик ташкилоти вакили, шунингдек кузатув кенгашига хисобдор бўлган банкнинг бошқа таркибий бўлинмалари талабига қўра чақирилади.
- 41.2. Кузатув кенгаши ҳар ой камидаги 1 (бир) марта чақирилади.
- 41.3. Агар кузатув кенгаши йиғилишида кузатув кенгаши аъзоларининг камидаги етмиш беш фойзи қатнашган бўлса, кузатув кенгаши мажлисини ўтказиш учун кворумга эришилган ҳисобланади.
- 41.4. Банк кузатув кенгаши аъзоларининг сони назарда тутилган кворумдан кам бўлган тақдирда, банк кузатув кенгашининг янги таркибини сайлаш учун акциядорларнинг навбатдан ташқари умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилиши шарт. Банк кузатув кенгашининг қолган аъзолари акциядорларнинг бундай навбатдан ташқари (фавқулотда) умумий йиғилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилишга, шунингдек банк бошқаруви раиснинг ваколатлари муддатидан илгари тутатилган тақдирда, унинг вазифасини вақтинча бажарувчини тайинлашга ҳақлидир.

#### **42-банд. Кузатув кенгашининг қарорлари**

- 42.1. Банк кузатув кенгаши йиғилишидаги қарорлар қўйидаги тартибда қабул қилинади:
- 42.1.1. ушбу Уставнинг 37.1.16, 37.1.19 ва 37.1.30-кичик бандларида назарда тутилган масалалар бўйича банк кузатув кенгашининг барча аъзолари

- томонидан бир овоздан қабул қилиниши лозим;
- 42.1.2. ушбу Уставда назарда тутилган бошқа масалалар бўйича банк кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилиниши лозим.
- 42.2. Кузатув кенгашининг ҳар бир аъзоси 1 (битта) овозга эга. Кузатув кенгаши аъзоси томонидан овоз бериш хукуқини бошқа шахсга, шу жумладан кузатув кенгашининг бошқа аъзосига ўтказилишига йўл қўйилмайди.
- 42.3. Кузатув кенгаши раиси, вақтинча кузатув кенгаши раиси вазифасини бажарувчи шахс ёки у йўқлигига кузатув кенгаши раиси вазифасини бажарувчи кузатув кенгашининг бошқа аъзосига кузатув кенгаши йиғилишларида ҳал қилувчи овоз бериш хукуқига эга эмас.
- 42.4. Агар кузатув кенгаши ваколатига кирувчи масалалар бўйича кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилишнинг иложи бўлмаса, кузатув кенгаши ушбу масалаларни акциядорларнинг умумий йиғилишига кўриб чиқиш учун кирмтиши мумкин.
- 42.5. Кузатув кенгаши аъзолари кузатув кенгашига аъзо бўлиш билан боғлик вазифаларини шахсан бажарадилар. Кузатув кенгаши аъзолари томонидан кузатув кенгаши йиғилишида иштирок этиш учун вакилларни тайинлаш ёки бошқа шахсга, шу жумладан кузатув кенгашининг бошқа аъзосига овоз бериш тўғрисида қарор қабул қилишда овоз бериш бюллетенини имзолашни буориш тақиқланади. Кузатув кенгашининг қарорлари кузатув кенгашининг барча аъзолари томонидан бир овоздан сиртқи овоз бериш (сўров) орқали қабул қилиниши мумкин.

### **43-банд. Кузатув кенгашининг баённомаси**

- 43.1. Кузатув кенгашининг мажлисида баённома юритилади, у йиғилишдан кейин 10 (үн) кундан кечиктирмай тузилади.
- Йиғилиш баённомасида қўйидагилар кўрсатилади:
- мажлис ўтказилган жойи ва вақти;
  - мажлисда иштирок этган шахслар;
  - мажлис кун тартиби;
  - овоз беришга қўйилган масалалар ва улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
  - қабул қилинган қарорлар.
- 43.2. Кузатув кенгаши томонидан сиртқи овоз бериш орқали қарорлар қабул қилишда йиғилиш баённомасида қўйидагилар кўрсатилади:
- баённома тузилган сана;
  - ушбу санага қадар имзоланган овоз бериш бюллетенларини тақдим этган Кузатув кенгаши аъзолари;
  - кун тартиби;
  - овоз беришга қўйилган масалалар ва улар юзасидан ўтказилган овоз бериш якунлари;
  - қабул қилинган қарорлар.
- 43.3. Банк кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси мажлисда иштирок этаётган банк кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланади, улар мажлис

баённомаси тўғри расмийлаштирилиши учун жавобгар бўлади. Сиртдан овоз бериш баенномасига кузатув кенгаши аъзолари томонидан имзоланган овоз бериш бўллетенлари илова қилинади.

- 43.4. Банк кузатув кенгаши мажлисининг баённомаси имзоланган куни банк бошқарувига ижро этиш учун топширилади. Банк кузатув кенгаши акциядорларнинг умумий йигилишини чақириш тўғрисида қарор қабул қилган тақдирда, мазкур қарор ҳақидаги ахборот банк бошқарувига банк кузатув кенгашининг мажлиси ўтказиладиган куни топширилади.
- 43.5. Кузатув кенгаши мажлисининг баённомасидан кўчирма банкнинг корпоратив маслаҳатчиси ва (ёки) банк кузатув кенгаши томонидан ваколатланган шахс томонидан расмийлаштирилади ва тасдиқланади.

#### **44-банд. Кузатув кенгаши аъзоларининг жавобгарлиги ва ваколатларини тугатиш**

- 44.1. Кузатув кенгаши аъзолари ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз вазифаларини бажаришда банк манфаатлари йўлида ҳаракат қилишлари, ўз ҳуқуқларини амалга оширишлари ва банкка нисбатан ўз вазифаларини вижданан ва оқилона бажаришлари, расмий ёки тижорат сирини ташкил қиладиган банк фаолияти тўғрисидаги маълумотларнинг махфийлигини саклашлари лозим.
- 44.2. Банк кузатув кенгашининг аъзолари қўйидагилар натижасида банкка етказилган зарар учун жавобгар бўлади:
  - 44.2.1. чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;
  - 44.2.2. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда белгилangan ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;
  - 44.2.3. банкка зарап етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузишини таклиф этганлик, шу жумладан банк билан бундай битимлар тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузишини таклиф этганлик.
- 44.3. Банк кузатув кенгаши аъзолари унга ўзларининг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган зарар учун, агар амалдаги қонун хужжатлари ёки ушбу Уставда бошқа асослар ва жавобгарлик миқдорлари кўрсатилган бўлмаса, банк олдида жавобгар бўладилар. Бунда банкка зарап етказилишига олиб келган қарорга қарши овоз берган ёки овоз беришда иштирок этмаган банк кузатув кенгашининг аъзолари жавобгар бўлмайдилар.
- 44.4. Агар ушбу банднинг қоидаларига мувофиқ бир неча шахс жавобгар бўлса, уларнинг банк олдидаги жавобгарлиги солидар бўлади.
- 44.5. Банк ёки у жойлаштирган акцияларнинг ҳаммаси бўлиб камида бир фоизига эгалик қилувчи акциядор (акциядорлар) банкка етказилган заарларнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги даъво билан банк кузатув кенгаши аъзоси устидан судга мурожаат қилишга ҳақл.
- 44.6. Суд банк кузатув кенгаши аъзосини банкга мулкий зарар етказганликда айбор деб топган тақдирда, суд қарорига кўра уларнинг ваколатлари хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаш тақиқланган ҳолда камида 1 (бир) йил муддатга тугатилиши мумкин.

**14-БОБ  
БАНК БОШҚАРУВИ**

**45-банд. Банк бошқаруви**

- 45.1. Банк бошқаруви қонун хужжатлари, мазкур Устав, банкнинг ички хужжатлари асосида ҳаракат қилувчи банкнинг коллегиал ижро этувчи органи бўлиб, фаолият стратегияси ва уни бошқариш тизимиға мувофиқ банкнинг фаолиятига оператив бошқарувни амалга оширади ҳамда банкнинг фаолияти учун жавобгарликни тўлиқ зиммасига олади.
- 45.2. Банк бошқаруви қонун хужжатлари, ушбу Устав ва банк ички хужжатлари билан акциядорларнинг умумий йигилиши ёки банк кузатув кенгаши ваколатларига кирувчи масалалар бўйича қарорлар қабул қилиш хукуқига эга эмас.
- 45.3. Банк бошқаруви 7 (етти) кишидан кам бўлмаслиги керак.
- 45.4. Банк бошқаруви банк кузатув кенгаши ва акциядорлар умумий йигилиши олдида ҳисобдордир.

**46-банд. Банк бошқаруви ваколатлари**

- 46.1. Банк бошқарувининг ваколатига Ўзбекистон Республикасининг қонун хужжатлари, ушбу Устав ва банкнинг бошқа ички хужжатларига биноан акциядорлар умумий йигилишининг ёки аанк кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилган масалалардан ташқари, банк фаолиятига кундалик раҳбарлик қилишга доир барча масалалар киради.
- 46.2. Банк бошқаруви:
  - 46.2.1. акциядорлар умумий йигилишининг ва банк кузатув кенгашининг қарорларининг бажарилишини ташкил этади;
  - 46.2.2. банкнинг таркибий тузилмалари ишини мувофиқлаштиради, халқаро тажрибани чуқур таҳдил қилиш асосида замонавий корпоратив бошқарув услубларини жорий этади, инвестиция, моддий-техник, молиявий ва меҳнат ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини оширади; банкка хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш учун қулай шароитлар яратади, етакчи хорижий таълим муассасалари билан ҳамкорлик асосида бошқарув ходимларини тайёрлаш ва уларнинг касб даражасини оширишини ташкил қиласи, шунингдек, банкнинг раҳбарлик лавозимларига чет эллик юқори малакали менежерларни жалб қиласи;
  - 46.2.3. тасдиқлаш акциядорлар умумий йигилиши ва банк кузатув кенгаши, банк бошқаруви раиси ваколатига кирадиган ички хужжатлардан ташқари, банкнинг бошқа ички хужжатларини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;
  - 46.2.4. битимлар тузиш ҳақидаги қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари қийматининг 0,5 фоизидан ўн беш фоизгача ташкил қиласидан қийматга эга бўлган, мол-мулкни олиши ёки тасарруфидан чиқариш тўғрисида битимларни амалга ошириш ҳақида қарор қабул қиласи. Бунда банк бошқаруви баланс қийматидан қатъи назар, бирор, битимлар тузиш ҳақидаги қарор қабул қилинаётган санада банк соф активлари қийматининг 15 (ўн беш) фоизидан кўп бўлмаган қийматга эга кўчмас

мол-мулк ва автотранспорт воситаларини олиш ёки тасарруфидан чиқариш билан боғлиқ бўлган битимлар бўйича қарор қабул қиласди.

- 46.2.5. ўз ваколатлари доирасида банкнинг кундалик фаолиятидаги масалалар бўйича қарорлар қабул қиласди;
- 46.2.6. банк ички аудити департаменти текширув натижалари бўйича аниқланган камчиликлар ва қонун бузилишларни ҳар чоракда кўриб чиқади ва уларни бартараф қилиш чораларини кўради;
- 46.2.7. ташки аудит текшируви натижалари ва Марказий банки томонидан ўтказилган инспекция (текширув) ҳисоботларини батафсил таҳлил қиласди;
- 46.2.8. Банк фаолиятини бошқариш учун банкнинг сиёсати ва бошқа ички хужжатларини, шу жумладан кредит, инвестиция, эмиссия сиёсати, банкнинг ликвидлигини бошқариш сиёсатини ишлаб чиқишда иштирок этади;
- 46.2.9. стратегик мақсадларни, корпоратив бошқарув сиёсатини, банкнинг бошқа ички хужжатлари ва сиёсатларини, шу жумладан, таваккалчиликларни аниқлаш, бошқариш, мониторинг қилиш ва улар тўғрисида хабардор этиш, капиталнинг етарлилигини лозим даражада сақлаб туришни амалга оширади;
- 46.2.10. банкнинг тегишли ва шаффоф ташкилий тузилмасини, шу жумладан ваколатларни ва жавобгарликни банк ходимлари ўртасида ўз ваколатлари доирасида тақсимлашни таъминлайди;
- 46.2.11. банк ходимларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;
- 46.2.12. банкнинг қабул қилинган йиллик бизнес-режасини бажаради, шунингдек, Банк акциядорларининг умумий йигилишига ва кузатув кенгашига бажарилган ишлар, банкка нисбатан қўлланилган чоралар ҳамда санкциялар тўғрисидаги ҳисоботни даврий равишда тақдим этади;
- 46.2.13. банкнинг тўловуга лаёқатсизлик ҳолати юзага келган ёки мижозлар томонидан талаб этилган даъволарни қаноатлантира олмасликка оид таваккалчилик мавжуд бўлган ҳолларда дарҳол Марказий банкка хабар беради;
- 46.2.14. Марказий банкка акциядорларнинг умумий йигилиши томонидан банкни ихтиёрий тугатиш тўғрисида қабул қилинган қарор хақида дарҳол ёзма шаклда хабар беради;
- 46.2.15. банк ташкилий тузилмасининг барча даражаларида ходимлар томонидан банк кузатув кенгashi томонидан тасдиқланган сиёсат, қоидалар, тартиб-коидалар, лавозим йўриқномалари қоидалари ва бошқа маҳаллий норматив хужжатларга риоя этилишини назорат қилишнинг самарали тизимини яратади ва ушбу тизимнинг самарадорлигини даврий равишда текшириб боради;
- 46.2.16. банк бошқаруви қарорларини қабул қилиш учун муҳим ахборотни тўғри тайёрлаш ва ўз вақтида тақдим этилишини таъминловчи ишончли ахборот тизимларини яратади;
- 46.2.17. банк ходимларини, шу жумладан, бошқарув аъзоларини ва муҳим аҳамиятга эга ходимларни ишга қабул қилиш ва ишдан бўшатиш, уларни алмаштириш (ротация қилиш) ва кўтариш, малакасини ошириш,

малакали ходимларни сақлаб қолиши тартибини ишлаб чиқади, шунингдек, улар ўз мажбуриятлари, ахлоқий қоидаларни бузилган тақдирда ходимларга нисбатан чоралар кўради;

- 46.2.18. банк хизматларини кўрсатиш оғислари ва очилиши банк кузатув кенгаши ваколатларига тааллукли бўлмаган бошқа банк алоҳида бўлинмаларини очади, ташкил қиласи ва фаолиятини тугатади;
- 46.2.19. банк хизматларини кўрсатиш оғислари ва бошқа банк алоҳида бўлинмаларининг ташкилий тузилмасини тасдиқлади;
- 46.2.20. қонун хужжатлари, ушбу Устав ва Банк бошқаруви тўғрисидаги Низом ва банкнинг бошқа ички хужжатларидан назарда тутилган банк бошқаруви ваколатига тааллукли бўлган бошқа масалаларни ҳал қиласи.

#### **47-банд. Банк бошқаруви аъзоларини тайинлаш тартиби**

- 47.1. Кенгаш аъзолари кузатув кенгаши томонидан 3 (уч) йил муддатга тайинланади. Кенгаш аъзоларини тайинлаш чет эл менежерлари иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилиши мумкин.
- 47.2. Бошқарув таркибига бошқарув раиси, бошқарув раисининг ўринбосарлари, банк бош бухгалтери ва банкнинг юридик хизмат департаменти директори киради, ҳамда банк кузатув кенгашининг қарорига кўра банкнинг бошқа таркибий бўлинма бошлиqlари ҳам кириши мумкин.
- 47.3. Банкнинг бошқарув аъзолари ва бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномалари кузатув кенгаши раиси ёки ваколатли кузатув кенгаши томонидан банк номидан 3 (уч) йил муддатга имзоланади.

#### **48-банд. Банк бошқаруви аъзолари билан меҳнат шартномаларини бекор қилиш тартиби**

- 48.1. Банк кузатув кенгаши бошқарувнинг алоҳида аъзоси ёки барча аъзолари билан тузилган шартномани, агар улар банк Уставини қўпол тарзда бузса ёки уларнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли банкга зарар етказилган бўлса, муддатидан илгари тугатиш (бекор қилиш) ҳукуқига эга.

#### **49-банд. Банк бошқаруви аъзоларига қўйиладиган талаблар**

- 49.1. Банк бошқаруви аъзолари ишбилармонлик обрўсига, банк хатарларини самарали бошқариш, ўз ваколатлари доирасида асосланган қарорларни қабул қилиш учун зарур бўлган тажриба, билим ва қўникмаларга эга бўлишлари лозим.

#### **50-банд. Банк бошқаруви аъзоларининг мажбуриятлари**

- 50.1. Банк бошқаруви аъзолари банк манфаатлари йўлида вижданан ва оқилона ҳаракат қилишга мажбур бўлиб, улар қуйидаги фидуциар мажбуриятларга риоя этишлари лозим:
  - 50.1.1. қонунчилик хужжатлари, банк Устави ҳамда акциядорлари умумий йигилиши ҳамда кузатув кенгаши томонидан қабул қилинган стратегия ва сиёсаларни амалга оширишга доир қарорларга риоя этган ҳолда мажбуриятларини ўз ваколатлари доирасида бажарish;

- 50.1.2. зарур ва ошкора маълумотни белгиланган муддатларда олиш, улар билан боғлиқ тегишли чора-тадбирларни кўриш ҳамда шахсий малака ва тажрибага таянган ҳолда қарорлар қабул қилиш;
- 50.1.3. банк бошқаруви органлари, шу жумладан, Акциядорлар умумий йиғилиши ва Кузатув кенгашига нисбатан тенглик тамойилига риоя этиш;
- 50.1.4. қонун хужжатлари, акциядорлар умумий йиғилиши, кузатув кенгаши қарорлари ва банкнинг ички хужжатлари, шу жумладан манфаатлар тўқнашувини келтириб чиқармасликка оид талабларга риоя этиш;
- 50.1.5. бенуқсон ишбилармонлик обрўсига эга бўлиш; ва
- 50.1.6. қонун хужжатларида ва Уставда назарда тутилган бошқа мажбуриятларга риоя қилиш.
- 50.2. Бошқарув аъзолари ўз хукуқларини амалга оширишда ҳамда мажбуриятларини бажаришда банк манфаатлари йўлида харакат қилишлари, банкга нисбатан вижданан ва оқилона ўз хукуқларини амалга оширишлари ва мажбуриятларини бажаришлари, банк фаолияти тўғрисидаги хизмат ёки тижорат сири бўлган ахборотларнинг маҳфийлигини саклашлари лозим.

### **51-банд. Банк бошқаруви аъзоларининг жавобгарлиги**

- 51.1. Бошқарув аъзолари унга ўзларининг айбли ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган заарар учун, агар амалдаги қонун хужжатлари ёки ушбу Уставда бошқа асослар ва жавобгарлик миқдорлари кўрсатилган бўлмаса, банк олдида жавобгар (шунингдек моддий жавобгар) бўладилар. Бунда банкка заарар етказилишига олиб келган қарорга қарши овоз берган ёки овоз беришда иштирок этмаган банк бошқаруви аъзолари жавобгар бўлмайдилар
- 51.2. Агар ушбу банднинг қоидаларига мувофиқ бир неча шахс жавобгар бўлса, уларнинг банк олдидаги жавобгарлиги солидар бўлади.
- 51.3. Суд банкнинг бошқарув аъзосини банкга мулкий заарар етказганликда айборор деб топган тақдирда, суд қарорига кўра уларнинг ваколатлари хўжалик жамиятларида раҳбарлик лавозимини эгаллаш тақиқланган ҳолда камида 1 (бир) йил муддатга тугатилиши мумкин.
- 51.4. Бошқарув аъзолари аъзолари қўйидагилар натижасида банкка етказилган заарар учун жавобгар бўлади:
- 51.4.1.1. чалғитувчи ахборот ёки била туриб ёлғон ахборот тақдим этганлик;
- 51.4.1.2. Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда белгиланган ахборот тақдим этиш тартибини бузганлик;
- 51.4.1.3. банкка заарар етказилишига сабаб бўлган йирик битимларни ва (ёки) амалга оширилишидан манфаатдорлик мавжуд бўлган битимларни тузилиши натижасида ўзлари ёки ўз аффилланган шахслари томонидан фойда (даромад) олиш мақсадида битимлар тузилиши таклиф этганлик

### **52-банд. Банк бошқаруви мажлислари**

- 52.1.1. Банк бошқаруви мажлиси, агар унда банк бошқарувининг камида 5 (беш) аъзоси хозир бўлса, ваколатли ҳисобланади.

- 52.1.2. Қарорлар банк бошқаруви мажлисида иштирок этувчиларнинг қўпчилик овози билан қабул қилинади. Овозлар тенг бўлган ҳолларда банк бошқарув раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.
- 52.1.3. Банк бошқаруви аъзоси банк бошқаруви қарорига қўшилмаган ҳолларда банк кузатув кенгашига ўз фикри тўғрисида хабар бериши мумкин.
- 52.1.4. Банк бошқаруви мажлисида баённома юритилади. Банк бошқаруви мажлисининг баённомаси банк кузатув кенгаши аъзоларининг талаби бўйича уларга тақдим қилинади.
- 52.1.5. Бошқарув мажлислари зарур бўлган ҳолларда, аммо ойига камида 1 (бир) марта чақирилади.
- 52.1.6. Бошқарув йигилишларига банк бошқаруви раиси ёки унинг йўклигига бошқарув раиси вазифасини бажарувчи шахс раислик қиласди.
- 52.1.7. Бошқарув йигилишидаги қарорлар овоз бериш йўли билан қабул қилинади. Бошқарувнинг ҳар бир аъзоси 1 (битта) овозга эга. Агар йигилишда қатнашган бошқарув аъзоларининг аксарияти овоз берган бўлса, қарор қабул қилинган деб ҳисобланади.
- 52.1.8. Бошқарув йигилишининг баённомаси бошқарув раиси томонидан тайинланган бошқарув котиби томонидан юритилади.
- 52.1.9. Бошқарув котиби бошқарув йигилишлари баённомаларини юритишни ташкил қиласди.

#### **53-банд. Банк бошқаруви раиси**

- 53.1. Бошқарув раиси кузатув кенгашининг қарори билан тайинланади ва у банк фаолиятини бошқариш ҳамда банк ходимларини назорат қилиш учун зарур билим, тажриба ва яхши хулқ-авторга эга бўлиши керак.
- 53.2. Бошқарув раиси билан тузилган шартномада унинг банк фаолияти самарадорлигини ошириш ва акциядорларнинг умумий йигилиши ва кузатув кенгаши олдидаги ҳисобот даврийлигини ошириш бўйича мажбуриятлари кўзда тутилиши керак.

#### **54-банд. Банк бошқаруви раисининг ваколатлари**

- 54.1. Банкнинг жорий фаолиятини бошқариш, акциядорлар умумий йигилиши, банк бошқаруви раиси томонидан амалга оширилади, кузатув кенгаши ва бошқарув ваколатига кирадиган масалалар бундан мустасно.
- 54.2. Банк бошқаруви раиси куйидаги ваколатларга эга:
  - 54.2.1.1.бошқарув раиси бошқарув йигилишини ташкил қиласди, банк номидан барча ҳужжатларни имзолайди, ишончномасиз, бошқарув томонидан қабул қилинган қарорлар, ушбу Устав ва банкнинг бошқа ички ҳужжатларига мувофиқ ўз ваколатлари доирасида банк номидан харакат қиласди.
  - 54.2.1.2.акциядорлар умумий йигилиши, кузатув кенгаши ва бошқарув қарорларининг бажарилишини таъминлайди;
  - 54.2.1.3.бошқа ташкилотлар билан муносабатларда унинг манфаатларини ҳимоя қиласди;

- 54.2.1.4. ушбу Уставда, бошқарув түгристидаги Низомда, банкнинг бошқа ички хужжатларида ва қонун хужжатларида белгиланган чегаралар доирасида мол-мулк ва пул маблағларини тасарруф этади;
- 54.2.1.5. банкнинг ички хужжатларини тасдиқлади, тасдиқланиши акциядорлар умумий йигилиши, кузатув кенгаши ва бошқарув ваколатига кирадиган ички хужжатлар бундан мустасно;
- 54.2.1.6. банкнинг штат жадвалини, унинг филиалларини, ваколатхоналарини, банк хизматлари оफисларини ва банкнинг бошқа алоҳида бўлинмаларини тасдиқлади;
- 54.2.1.7. битимларни ва унинг ваколатига кирадиган турли ҳаракатларни амалга оширишга ишончномалар беради;
- 54.2.1.8. банкларда банкнинг вакиллик, валюта, ҳисоб-рақамлари ва бошқа ҳисоб-рақамларини очади;
- 54.2.1.9. бухгалтерлик ҳисоби ва ҳисоботини ташкил қиласди;
- 54.2.1.10. шартномалар ва бошқа битимлар тузади ва банкнинг шартнома мажбуриятларини бажарилишини таъминлади;
- 54.2.1.11. битимлар тузиш ҳақидаги қарор қабул қилинаётган санада ўз ваколати доирасида банк соғ активлари қийматининг 0,5 (ярим) фоизигача ташкил қиласди қийматга эга бўлган, мол-мулкни олиши ёки тасарруфидан чиқариши билан боғлиқ битимларни тузади ва тегилши ваколатли органларнинг қарорлари асосида бошқа битимларни тузади;
- 54.2.1.12. қонун хужжатларида ва банкнинг ички хужжатларида белгиланган тартибда ходимларни, шу жумладан филиаллар, ваколатхоналар, банк хизматлари оғислари ва банкнинг бошқа алоҳида бўлинмалари раҳбарларини ишга ёллади ва ишдан бўшатади (улар билан тузилган меҳнат шартномаларини бекор қиласди);
- 54.2.1.13. банк ходимларини қонун хужжатларида ушбу Устав ва банкнинг бошқа ички хужжатларида белгиланган тартибда рағбатлантиради, шунингдек, уларни интизомий ва моддий ҳамда бошқа жавобгарликка тортади;
- 54.2.1.14. банк ходимларининг барчаси учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқаради ва кўрсатмалар беради;
- 54.2.1.15. акциядорларнинг умумий йигилиши, банк кузатув кенгаши фаолиятини ташкилий техниковий таъминлашни амалга оширади;
- 54.2.1.16. қонун хужжатлар, ушбу Устав ва банкнинг бошқа ички хужжатларига мувофиқ банк фаолиятининг бошқа қундалик масалаларини ҳал қиласди.
- 54.3. Банк кузатув кенгаши томонидан банк бошқаруви раисининг ваколатларини тугатиш түгристидаги қарор қабул қилинган тақдирда, банк бошқаруви раисини тайинлаш (сайлаш) түгристидаги масала ўша йигилишнинг ўзида ҳал этилиши мумкин.
- 54.4. Банк бошқаруви раисининг ваколатларини тугатиш түгристидаги қарор қабул қилган банк кузатув кенгаши банк бошқаруви раиси вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаш түгристидаги қарор қабул қилиши мумкин, шунингдек, банк бошқаруви раиси номзодини танлаш бўйича хорижий менежерлар ҳам иштирок этиши мумкин бўлган танлов ўтказиш түгристидаги қарор қабул қилиши мумкин.

**15-БОБ  
МОЛИЯВИЙ-ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ УСТИДАН НАЗОРАТ**

**55-банд. Банкнинг ички аудит департаменти**

- 55.1. Банкнинг Ички аудит департаменти банк бошқаруви, филиаллари, ваколатхоналари, банк хизматларини кўрсатиш оғислари ва банкнинг бошқа алоҳида бўлинмалари фаолиятини уларнинг қонун ҳужжатлари, бан устави ва банкнинг ички ҳужжатларига риоя этилишини текшириш ва мониторинг қилиш, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисботларда маълумотлар акс эттирилишининг тўлиқлиги ва ишончлилигини, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тамойилларини, активларнинг сақланишини, банкни бошқариш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга мувофиқлигини таъминлаш йўли билан назорат қиласи ва баҳолайди, банкдаги ички назорат ҳолатини, шу жумладан молия-хўжалик фаолияти самарадорлигини текширади (аудит қиласи) ва мониторингини олиб боради, шунингдек банк операциялари самарадорлиги ва ишончлилигини ошириш бўйича кузатув кенгашига маслаҳат беради.
- 55.2. Ички аудит департаменти кузатув кенгаши ва унинг аудиторлик қўмитасига ҳисобдордир.

**56-банд. Банкнинг ташқи аудити**

- 56.1. Банк аудити ҳар йили банкларда аудиторлик текширувани ўтказиш ҳуқуқини берувчи Марказий банкнинг малака сертификатига эга бўлган, камида 2 (иккита) аудиторга (шу жумладан аудиторлик ташкилоти раҳбарига) эга бўлган мустақил аудиторлик ташкилотлари томонидан амалга оширилади.
- 56.2. Банкнинг ташқи мустақил аудиторлик ташкилотини акциядорларнинг умумий йиғилиши тасдиқлайди ва унинг хизматлари учун тўловнинг энг кўп миқдорини белгилайди.
- 56.3. Ташқи мустақил аудиторлик ташкилоти банк билан тузилган шартномага мувофиқ қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банкнинг молия-хўжалик фаолиятини текширилишини амалга оширади ва унга аудиторлик хулосасини тақдим этади.
- 56.4. Ташқи мустақил аудиторлик ташкилоти банкнинг молиявий ҳисботи ва молиявий бошқа ахборотлар ҳақида нотўғри хулосани ўз ичига олган аудиторлик хулосаси тузганлик оқибатида етказилган зарар учун банк олдида жавобгар бўлади.

**16-БОБ  
КОРПОРАТИВ МАСЛАҲАТЧИ**

- 56.5. Банк корпоратив маслаҳатчиси банк томонидан корпоратив қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назорат қилиш вазифасини бажаради. банк корпоратив маслаҳатчисининг фаолияти банк кузатув кенгаши томонидан тасдиқланган низом асосида амалга оширилади. Банк корпоратив маслаҳатчиси банк кузатув кенгаши олдида ҳисобдордир.

## **17-БОБ ЙИРИК БИТИМЛАР**

### **57-банд. Йирик битим**

Бундай битимларни тузиш түғрисидаги қарор қабул қилинадиган кунга банкнинг соф активлари 15 (үн беш) фоизидан ортиқ қийматга эга бўлган мол-мulkни банкнинг олиши, тасарруфидан чиқариши ёки банк мол-мulkни тасарруфидан чиқариши эҳтимоли билан боғлиқ бўлган битим (шунингдек, қарз, кредит, гаров, кафиллик) ёки ўзаро боғлиқ бир неча битим йирик битим деб ҳисобланади, одатдаги хўжалик фаолияти жараёнида амалга ошириладиган битимлар, ҳамдаакциялар ва бошқа қимматли қозозларни жойлаштириш билан боғлиқ битимлар бундан мустасно.

### **58-банд. Йирик битимни тасдиқлаш тартиби**

1. Баланс қиймати ёки сотиб олиш қиймати бундай битимни амалга ошириш түғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб банкнинг соф активлари миқдорининг 15 дан 50 фоизигача (үн бешдан элликгacha) бўлган мол-мulkни бўлган йирик битимни амалга ошириш түғрисида қарор кузатув кенгаши аъзолари томонидан бир овоздан қабул қилинади, шу билан бирга йўқ қилинган кузатув кенгаши аъзоларининг овозлари ҳисобга олинмайди.
2. Агар йирик битимни тасдиқлаш масаласида кузатув кенгаши аъзоларининг бир овоздан қабул қилинишига эришилмаса, кузатув кенгашининг қарори билан йирик битимни амалга ошириш масаласи акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига чиқарилиши мумкин.
3. Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш түғрисида қарор қабул қилинётган санада кандо соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортиқ қийматни ташкил этувчи мол-мulk хусусида йирик битим тузиш түғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.
4. Йирик битим кандо ижроия органи томонидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки кандо кузатув кенгаши томонидан қарор қабул қилингандан сўнг амалга оширилади. Шу билан бирга, йирик битим тузиш түғрисидаги қарор ташки мустакил аудиторлик ташкилоти томонидан унинг шартларини ўрганиб чиқиб, қонун хужжатларига мувофиқ баҳолаш ташкилоти томонидан белгиланган мулкнинг бозор қийматини ҳисобга олган ҳолда қабул қилинади.
5. Йирик битим суд қарори билан бекор қилиниши мумкин.

## **18-БОБ АФФИЛАНГАН ШАХСЛАР БИЛАН ТУЗИЛГАН БИТИМЛАР**

### **59-банд. Аффилланган шахс билан тузиладиган битимни маъқуллаш**

1. Банкнинг соф активлари қийматининг 10 (үн) ёки ундан кўп фоизини ташкил этадиган банкнинг аффилланган шахс ўртасида битим тузиш түғрисидаги қарор мустакил ташки мустакил аудиторлик ташкилоти томонидан қонун хужжатларига мувофиқ баҳолаш ташкилоти томонидан белгиланган мулкнинг бозор қийматини ҳисобга олган ҳолда бундай битим шартларини ўрганиш билан мажбурий равишда қабул қилинади.

## **60-банд. Аффилланган шахслар билан тузилган битимлар тұғрисидаги ахборотни ошкор қилиши**

- 60.1.** Банкнинг аффилланган шахс ўртасида тузилган битим тұғрисидаги маълумотлар банкнинг ички аудит бошқармаси ва департаменти томонидан амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда үрганилади.
- 60.2.** Аффилланган шахс ўртасида тузилган битимлар тұғрисидаги маълумотлар, шу жумладан уларнинг ёзма билдиришномалари ва битимлар бўйича қабул қилинган қарорларнинг тўлиқ мазмуни, қарор қабул қилувчилар тұғрисидаги маълумотлар ва аффилланган шахс ўртасида битимлар тузишида манфаатлар тўқнашуви тұғрисидаги маълумотлар банкнинг йиллик ҳисоботининг бир кисмидир.
- 60.3.** Банк ягона корпоратив ахборот порталида ва банкнинг (<https://kapitalbank.uz>) расмий веб-сайтида аффилланган шахслар ўртасида тузилган битим тұғрисидаги маълумотларни битим тузилган кундан бошлаб 72 соат ичida ошкор қилиши шарт.
- 60.4.** Банкнинг аффилланган шахси қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган маълумотларнинг батафсил кўрсатилиши билан аффилланганлик асослари пайдо бўлган кундан бошлаб 3 (уч) иш кунидан кечиктирмай банкка унинг аффилланган шахси тұғрисида ёзма равишида хабардор қилиши шарт.
- 60.5.** Банк ўз аффилланган шахсларининг ёзувларини юритиши ва улар тұғрисидаги ҳисоботларни қонун талабларига мувофиқ тақдим этиши шарт. Банк ҳар йили қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган тартибда ва муддатларда аффилланган шахслари рўйхатини эълон қилиши шарт.

## **19-БОБ АКЦИЯДОРЛАР ЎРТАСИДАГИ МАНФААТЛАР ТЎҚНАШУВИНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ**

### **61-банд. Манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш**

- 61.1.** Банк акциядорлари, шунингдек бошқарув органлари ва назорат органлари, мансабдор шахслар, банк ходимлари ва унинг акциядори (акциядорлари) ўртасидаги манфаатлар тўқнашувининг олдини олиш мақсадида бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслар, банк ходимлари қуидагиларга мажбур:
  - 61.1.1. акциядорларнинг қонуний ҳуқуқларини таъминлаш масалаларида банк бошқарув органларининг аниқ ва асосли позициясини акциядорларга ўз вақтида етказилишини таъминлаш;
  - 61.1.2. ҳисобланган дивидендларни ўз вақтида тўлаш;
  - 61.1.3. акциядорларга низо мавзуси бўлиши мумкин бўлган масалалар бўйича кенг қамровли маълумотларни тақдим этиш;
  - 61.1.4. рақобатчи компаниянинг акцияларини (ҳиссаларини) сотиб олишда бошқарув органлари аъзоларининг қизиқиши бўлган битимларни, шунингдек бундай шахсларнинг бошқарув органларида иштирок этишни аниqlаш;

- 61.1.5. бошқарув қарорларининг объективлиги, тенглилиги ва мустақиллигини таъминлаш учун мустақил аъзолар кузатув кенгаши таркибига киритилишини таъминлашга интилиш;
- 61.1.6. манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишнинг бошқа шакллари.

## **62-банд. Манфаатлар тўқнашувини тартибга солиш**

- 62.1. Банкда юзага келадиган манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш учун бошқарув ва назорат органлари, мансабдор шахслар ва банк ходимлари қонуний ва асосланган, банк манфаатларига жавоб берадиган ечимни топиш мақсадида судгача бўлган процедураларни амалга оширадилар, хусусан акциядорлар ўртасидаги музокараларда иштирок этишади, уларнинг иҳтиёридаги ва корпоратив низоларга боғлиқ маълумотлар ва хужжатларни тақдим этишади, қонунчилик нормаларини, Устав ва банкнинг ички хужжатларини изоҳлайди.
- 62.2. Банк мансабдор шахслари бошқарув ва назорат органлари, корпоратив маслаҳатчи ва таркибий бўлинмалар номига кирувчи акциядорларнинг хатлари, аризалари ва талабларини (шу жумладан оғзаки) ҳисобга олиш ва ўз вақтида кўриб чиқиши таъминлаши шарт.
- 62.3. Зиддиятли вазият тўғрисида маълумот олган ходим бу ҳакда дарҳол шундай маълумот етказилиши лозим бўлган тегишли бошқармани хабардор қилиши шарт. Агар низони таркибий бўлинма даражасида ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, бўлинма раҳбари 1 (бир) иш куни ичida бошқарув раиси ёки унинг ўринbosарига низо, унинг пайдо бўлиш сабаблари, кўрилган чоралар тўғрисида маълумот тақдим этиши шарт. бошқарув раиси, унинг ўринbosари низони ҳал қилиш тартибини белгилайди, ваколатли шахсни тайинлайди. Заруратдан келиб чиқиб манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш бўйича комиссия тузилади.
- 62.4. Ваколатли шахс (комиссия) низони ҳал қилишда воситачи бўлиб, акциядорларга маслаҳат ва тавсиялар беради, низони ҳал қилиш тўғрисидаги хужжатлар (битимлар ва бошқалар) лойиҳаларини акциядорлар томонидан имзоланиши учун тайёрлайди, ўз ваколатлари доирасида банк номидан низоларни ҳал қилишга ҳисса қўшадиган мажбуриятларни қабул қиласи, шунингдек манфаатлар тўқнашувини ҳал қилиш учун бошқа чораларни кўради.
- 62.5. Банкнинг бошқарув органлари ўз ваколатларига мувофиқ низо иштирокчилари томонидан имзоланган битимларнинг бажарилишини осонлаштириши керак. Корпоратив низони ҳал қилиш тўғрисидаги битим, агар у пруденциал талабларга жавоб берса ва корпоратив низо тарафлари томонидан имзоланган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.
- 62.6. Агар манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишнинг иложи бўлмаса, ваколатли шахс (комиссия) масалани кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқиши учун тақдим этади. Агар манфаатлар тўқнашувини кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқиши натижасида банкнинг амалдаги ички хужжатларига ўзгартаришлар киритиш ёки ўзгартариш киритиш зарурати туғилса, кузатув кенгаши хужжатни ишлаб чиқиши ёки тегишли ўзгартаришлар киритиш тўғрисида қарор қабул қиласи. Манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишнинг юқорида келтириб ўтилган усуллари якуний ҳисобланмайди. Ҳар бир алоҳида холатда, низо томонларининг келишувига биноан, уни ҳал қилишнинг бошқача шакллари ва усулларини топиш мумкин.
- 62.7. Корпоратив низони ҳал қилиш натижаларига кўра барча материаллар (хатлар, ёзишмалар (шу жумладан электрон почта орқали), баённомалар,

стенограммалар, ишончномалар, илтимосномалар, мурожаатлар, аризалар, билдиришномалар ва бошқалар) ваколатли шахс (комиссия) томонидан банк архивига сақлаш учун юборилади.

**63-банд. Корпоратив низоларни аниқлаш ва бартараф этиш бўйича бошқарув органлари аъзолари, мансабдор шахслар ва банк ходимларининг мажбуриятлари**

- 63.1. Корпоратив низоларни аниқлаш ва бартараф этиш учун банк бошқарув органлари аъзолари қуидагиларни бажаришлари шарт:
- 63.1.1. банк ва унинг акциядорларининг қонуний манфаатлари йўлида ҳаракат қилиш;
  - 63.1.2. банкни бошқариш жараёнида қарор қабул қилишда ўзининг шахсий манфаатларини, қариндошлари, дўстлари ва бошқа учинчи шахсларнинг манфаатларини ҳисобга олмасдан, банкнинг қонуний манфаатларига амал қилиш;
  - 63.1.3. ўзларининг аффилланган шахслари ҳақида маълумот бериш;
  - 63.1.4. қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда банк томонидан амалга оширилган битимларда уларнинг аффилланганлиги тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиш;
  - 63.1.5. қонун талабларига ва банк томонидан йирик битимларни амалга ошириш тартибига мувофиқ йирик битимларни амалга ошириш тўғрисида қарор қабул қилиш;
  - 63.1.6. қонун ҳужжатлари талабларига ва банк томонидан аффилланган шахслари ўртасида битимлар тузиш тартибига мувофиқ аффилланган шахслар ўртасида битимлар тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш;
  - 63.1.7. банкнинг махфий маълумотларини ошкор қиласлик;
  - 63.1.8. манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин бўлган ҳолатлар ва вазиятлардан қочиш;
  - 63.1.9. вужудга келган ёки юзага келиши мумкин бўлган манфаатлар тўқнашувини очиб бериш;
  - 63.1.10. вужудга келган манфаатлар тўқнашувини ҳал қилишга кўмаклашиш.

**20-БОБ  
БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТ**

**64-банд. Бухгалтерия ҳисоби**

- 64.1. Банк қонун ҳужжатларда белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиши ва молиявий/назорат ҳисоботини тақдим этиши шарт.
- 64.2. Банкда бухгалтерия ҳисоби:
- 62.2.1. бошқарувга, молияга, солиқقا ва назоратга оид ҳисоботнинг ҳамда бошқа ҳисоботларнинг ишончлилигини, уларда банкнинг ҳақиқий молиявий ҳолати ва фаолияти натижалари акс эттирилишини;
  - 62.2.2. банк активларини ва юзага келувчи таваккалчиликларни бошқариш хавфсизлигини;

- 62.2.3. банк акциядорлари ва кузатув кенгаши томонидан банкнинг молиявий аҳволини ва унинг мансабдор шахсларининг ишини назорат қилиш имкониятини таъминлаши керак
- 64.3. Банк Марказий банкнинг талабига кўра консолидациялашган, даврий, шунингдек бир марталик ҳисоботларни тақдим этади.
- 64.4. Банк Марказий банкка тақдим этиладиган ҳисоботларнинг ва бошқа маълумотларнинг яхлитлиги ҳамда ишончлилиги учун жавобгардир.
- 64.5. Банк қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа турдаги ҳисоботларни ҳам тақдим этади.
- 64.6. Банкда бухгалтерия ҳисобининг ташкил этилиши, ҳолати ва ишончлилиги, тегишли органларга ҳар йилги ҳисобот ва бошқа молиявий/назорат ҳисоботлар, шунингдек банкнинг расмий веб-сайтида (<https://kapitalbank.uz>) ва оммавий ахборот воситаларида акциядорларга, кредиторларга тақдим этиладиган банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши учун жавобгарлик амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ банк бошкарувининг зиммасида бўлади.

#### **65-банд. Молиявий ҳисобот**

- 65.1. Банк халқаро молиявий ҳисобот стандартларини ҳам қўллаши мумкин.
- 65.2. Банкнинг молиявий ҳисоботида кўрсатилган ва акциядорларнинг умумий йиғилишига тақдим этиладиган молиявий ҳисоботдаги, бухгалтерия балансидаги, фойда ва зааралар ҳисобварагидаги маълумотларнинг ишончлилиги мулкий манфаатлари банк ёки унинг акциядорлари билан боғлиқ бўлмаган аудиторлик ташкилоти томонидан тасдиқланган бўлиши ва қонунчиликнинг бошқа талабларига жавоб бериши керак.
- 65.3. Банкнинг йиллик ҳисоботи қонун ҳужжатларда белгиланган муддатдан кечиктирмай банк кузатув кенгаши томонидан дастлабки тарзда тасдиқланади. Банк йиллик молиявий ҳисоботни у халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташки аудитдан ўтказилганидан кейин, қонунчиликда белгиланган муддатларда эълон қилиши шарт.
- 65.4. Банкнинг молиявий йили 1 январда бошланади ва 31 декабрда тугайди.

#### **21-БОБ**

#### **ПРУДЕНЦИАЛ ТАЛАБЛАР ВА ТАВАККАЛЧИЛИКЛАРНИ БОШҚАРИШ**

#### **66-банд. Пруденциал нормативлар**

- 66.1. Банк Марказий банк томонидан белгиланган пруденциал меъёрларга риоя қилиши шарт, уларни ҳисоблаш тартиби ва рухсат этилган қийматлари Марказий банк томонидан белгиланади.
- 66.2. Банк активлар бўйича йўқотиш хавфини камайтириш мақсадида ўз капитали ва ликвид ресурсларини етарли даражада ушлаб туриши, захираларнинг таснифи асосида яратилган активлар бўйича юзага келиши мумкин бўлган йўқотишларни қоплаш учун захираларни шакллантириши, шунингдек ўз активларининг диверсификациясини таъминлаши керак.

## **67-банд. Мажбурий захира талаблари**

- 67.1. Банк Марказий банк томонидан белгиланган мажбурий захира талабларини бажариши шарт.

## **68-банд. Банк хизматлари ва операцияларининг аутсорсинги**

- 68.1. Банк хизматлари ва операцияларини аутсорсинги (бундан бўён матнда аутсорсинг деб юритилади) - бу банк томонидан шартнома ва узлуксиз асосда амалга ошириш учун хизматлар ва операцияларнинг айрим турларини учинчи тарафга топширишdir.
- 68.2. Хизматлар ва операцияларнинг айрим турларини аутсорсингга топшириш учун Марказий банкнинг тегишли рухсатномаси талаб этилади ҳамда ушбу хизматлар ва операцияларнинг айрим турлари Марказий банк томонидан белгиланган талабларга мувофиқ аутсорсингга топширилиши мумкин.
- 68.3. Лицензия асосида амалга ошириладиган хизматлар ва операцияларнинг айрим турларини фақатгина тегишли лицензияга эга шахсларга аутсорсингга топширишга йўл қўйилади.
- 68.4. Банк аутсорсингга топширилган хизматлар ва операцияларнинг айрим турлари билан боғлиқ таваккалчиликларни бошқариш учун жавобгар ҳисобланади.
- 68.5. Хизматлар ва операцияларнинг айрим турларини аутсорсингга топширишда, банк Марказий банк талабларига, шу жумладан ички сиёsat ва ҳисботларнинг мавжудлиги талабларига жавоб бериши, шунингдек, Марказий банкка аутсорсингга топширилган хизматлар ва операцияларнинг айрим турлари бўйича маълумот тақдим этиши шарт. Банк ҳар йили ёки Марказий банкнинг талабига биноан аутсорсингга топширилган хизматлар ва операцияларнинг айрим турларини ташқи аудитдан ўтказилишини таъминлайди.

## **69-банд. Банкнинг ички назорати ва таваккалчиликларни бошқариш тизимиغا қўйиладиган талаблар**

- 69.1. Банк Марказий банк томонидан белгиланган ички назорат ва таваккалчиликларни бошқариш тизимиغا қўйиладиган талабларга риоя қилиши шарт.
- 69.2. Марказий банкнинг банк ва банк гурухининг ички назорати ва таваккалчиликларни бошқариш тизимиغا қўйиладиган талабларига куйидагилар киради:
- 69.2.1. ички ва ташқи фойдаланувчилар учун молиявий, назорат ва бошқа ҳисботларнинг тўлиқлиги, ишончлилиги ва ўз вақтида бажарилишини, шунингдек ахборот хавфсизлигини таъминлаш;
- 69.2.2. банк томонидан пруденциал талабларнинг бажарилишини таъминлаш;
- 69.2.3. банкда банк учун муҳим бўлган хатарларни аниqlаш ва бошқариш, стресс тестларини ўтказиш, шунингдек банк учун муҳим бўлган хатарлар ва капитал тўғрисида ҳисбот бериш тизимининг тасдиқланган сиёsatи мавжудлиги;
- 69.2.4. банкнинг банк учун муҳим бўлган хатарларни бошқариш ва уларнинг самарадорлигини баҳолаш бўйича сиёsatини изчил амалга ошириш ва уларга риоя қилиш;

69.2.5. банк томонидан банкнинг ички хужжатларида белгиланган таваккалчиликларнинг энг юқори миқдорларига ва капиталнинг монандлигига, таваккалчиликларни бошқариш бўйича банкда қўлланилаётган тартиб-таомилларнинг самарадорлигига ҳамда уларни қўллаш изчиллигига банкнинг риоя этиши устидан кузатув кенгаши томонидан назоратни амалга ошириш.

## 22-БОБ. ХУЖЖАТЛАР, БАНК ҲАҚИДА АҲБОРОТ

### 70-банд. Банк хужжатларини сақлаш

- 70.1. Банк қуидагиларни сақлашга мажбурдир:
- 70.1.1. банк Устави, Уставга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган банк ташкил этиш тўғрисидаги қарор, банкни давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома;
  - 70.1.2. банкнинг балансида бўлган мулкка бўлган ҳукуқларини тасдиқловчи хужжатлар;
  - 70.1.3. акциядорларнинг умумий йигилиши ва банкнинг бошқа бошқарув органлари томонидан тасдиқланадиган хужжатлар;
  - 70.1.4. банкнинг филиали ёки ваколатхонаси тўғрисидаги Низом;
  - 70.1.5. банкнинг йиллик ҳисоботи;
  - 70.1.6. қимматли қофозларни чиқариш бўйича қарорлар;
  - 70.1.7. акциялар эмиссияси рисоласини;
  - 70.1.8. бухгалтерия ҳисоби хужжатлари;
  - 70.1.9. тегишли органларга тақдим этиладиган молиявий ҳисботлар;
  - 70.1.10. акциядорларнинг умумий йигилишлари баённомалари, кузатув кенгаши йигилишлари, банк бошқаруви, Ички аудит департаментининг хulosалари ва ҳисботлари, шунингдек банк бошқаруви раисининг буйруқлари;
  - 70.1.11. банкнинг аффилланган шахслари рўйхати;
  - 70.1.12. банк акциядорлари реестри;
  - 70.1.13. афтиш комиссиясининг (тафтищчисининг), аудиторлик ташкилотининг хulosалари ва ҳисботларини, назорат қилувчи давлат органларининг текширувлари далолатномалари.
- 70.2. Банк қонун хужжатлари ва банкнинг ички қоидаларига мувофиқ бошқа хужжатларни ҳам сақлаши лозим.

### 71-банд. Банк томонидан акциядорларга маълумот бериш

- 71.1. Банк акциядорларга “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 103-моддасида назарда тутилган хужжатлардан эркин фойдаланиш имкониятини таъминлаши шарт.

## **72-банд. Банк томонидан маълумотни мажбурий ошкор қилиш**

- 72.1. Банк қонун ҳужжатларида белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатларда банк тўғрисидаги маълумотларни ошкор қилиши шарт.
- 72.2. Банкнинг (<https://kapitalbank.uz>) корпоратив веб-сайтида банк томонидан мажбурий жойлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар, давлат органи томонидан белгиланган ҳажм ва тартибда амалга оширилади.

## **23-БОБ. ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ТУГАТИШ**

### **73-банд. Банк фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш**

- 73.1. Банкни қайта ташкил этиш рақобат тўғрисидаги қонунчиликнинг талаблари ҳисобга олинган ҳолда, акциядорлар умумий йигилишининг қарорига мувофиқ қўшиб юбориш, қўшиб олиш, бўлиш, ажратиб чиқариш ва ўзгартириш шаклида Марказий банкнинг рухсати билан амалга оширилади. Банкни қайта ташкил этиш Марказий банкнинг талабига биноан ҳам амалга оширилиши мумкин.
- 73.2. Банк фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш иҳтиёрий ёки мажбурий (Марказий банк томонидан лицензия қайтариб олинган тақдирда) шаклда амалга оширилиши мумкин.
- 73.3. Банк фаолиятини тўхтатиш ва тугатиш учун куйидагилар асос бўлади:
  - 73.3.1. банк акциядорлари умумий йигилишининг банкни иҳтиёрий тугатиш тўғрисидаги қарори;
  - 73.3.2. Марказий банк бошқарувининг банкни мажбурий тугатиш ҳақидаги қарори асос бўлади.
- 73.4. Банкнинг фаолиятини тугатиш ва банкни тугатиш, шу жумладан иҳтиёрий шаклда тугатиш тартиби Марказий банк томонидан белгиланади.
- 73.5. Банкни тугатиш Банкларнинг давлат реестрига тегишли ёзув киритилган кундан эътиборан тамомланган деб ва банк тугатилган деб ҳисобланади.

**“Капиталбанк” АТБ  
Бошқарув Раиси**

Мирзаев А.А.

**“Капиталбанк” АТБ  
Корпоратив маслаҳатчisi**

Худайберганов А.С.

**ВЫПИСКА ИЗ ПРОТОКОЛА  
ВНЕОЧЕРЕДНОГО ОБЩЕГО СОБРАНИЯ АКЦИОНЕРОВ  
АКЦИОНЕРНОГО КОММЕРЧЕСКОГО БАНКА  
«КАПИТАЛБАНК»**

**№ 5/2022**

**город Ташкент  
улица Махтумкули,1**

**06 октября 2022 года  
11.00 часов**

На день проведения Внеочередного общего собрания акционеров АКБ «Капиталбанк» согласно реестра акционеров, сформированного Центральным Депозитарием ценных бумаг на 30 сентября 2022 года общее количество голосующих простых именных бездокументарных акций составляет **388 826 498** штук.

На основании регистрации в системе «Evote», на Внеочередном общем собрании акционеров АКБ «Капиталбанк» приняли участие (зарегистрировались) 6 (шесть) акционеров банка, с общим количеством **388 824 408** штук голосующих акций, из них:

- 4 представителя юридических лиц, обладающих **333 259 319** числом голосов;
- 2 физических лица, обладающие **55 565 089** числом голосов.

Кворум собрания составляет 99,99% от размещенного количества голосующих акций, допущенных на собрание акционеров.

**ПОВЕСТКА ДНЯ:**

2. Об утверждении Устава АКБ «Капиталбанк» в новой редакции.

**По второму вопросу повестки дня принято решение:**

- 2.1. Утвердить Устав АКБ «Капиталбанк» в новой редакции согласно приложению.
- 2.2. Поручить Корпоративному консультанту банка (Худайберганову А.С) осуществить необходимые юридические и фактические действия, связанные с государственной регистрацией Устава АКБ «Капиталбанк» в установленном порядке.

**Результаты голосования:**

Варианты голосования	Количество голосов (штук)	% от принявших участие в голосовании
«ЗА»	388 824 408	100
«ПРОТИВ»	0	0
«ВОЗДЕРЖАЛСЯ»	0	0

Выписка из протокола верна

Секретарь ВОСА АКБ «Капиталбанк» **Худайберганов А.С.**



Ro'yxat raqami 01/10-2552  
2022yil «04» 11

Ўзбекистон Республикаси  
Марказий банкига

“Капиталбанк” акциядорлик тижорат банки Акциядорларининг йиллик умумий йигилиши томонидан 2022 йил 06 октябрда (5/2022-сонли баённома) “Капиталбанк” акциядорлик тижорат банкининг Устави янги таҳрирда тасдиқланди.

Банк Уставини белгиланган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилишида амалий ёрдам кўрсатишингизни сўраймиз.

Рўйхатдан ўтказиш учун зарур бўлган хужжатларни иловага мувофиқ тақдим қиласмиз.

Илова: “\_\_\_” варакда.

Хурмат билан,

Кузатув кенгаши раиси

Абдусамадов М.А.



Тикелгани ва ракамланган

51 ( нисон бир )

Бараклди иборат

21 июн 2022 йил

Имзо

